جديد

2026-yil 4-sentyabr
№ 36 (140)
www.jadid.uz

Tilda, fikrda, ishda birlik!

Jadid

adabiy, ilmiy-ma’rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

@Jadidrasmiy @Jadidmediauz @Jadidrasmiy @Jadid_uz

МУШТАРАК МЕРОС



(2-саҳифада ўқинг).

ЕТТИКУНЛИК

МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ ДАВРИ



Муқаддас Ватанимиз мустақиллигининг қутлуғ ўттиз беш йиллик байрамини катта ифтихор ва тантана билан нишонладик. Янги Тошкентда ўтказилган асосий байрам тадбирлари тараққиётнинг янги даврига қадам қўяётганимизни, буюк тарихий орзуларимиз рўёбга чиқаётганини яққол намойиш этди.

Мустақилликнинг буюк аҳамияти, аввало, инсон қадри ва эркин ҳаётида намоён бўлади. Шу боис, ислоҳотларнинг биринчи кунлариданоқ “Инсон қадри учун!” ғояси давлат сиёсатининг марказига олиб чиқилди. Одамларни йиллар давомида қийнаб келган “пахта қуллиги”, “мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати”, “конвертация чеклови”, “прописка” каби муаммоларга барҳам берилди. Юртдошларимиз юрагидаги қўрқув ва ҳадик ўрнини ишонч ва хотиржамлик эгаллади.

Истиқлол айёми ўзига хос ҳисобот ҳамдир. Энди янги мақсад ва режалар кун тартибида. Келгуси 10 йилда 450 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилиш, 2030 йилгача ЯИМ ҳажмини 300 миллиард долларга етказиш, саноатда 2 миллионта юқори даромадли иш ўрни яратиш, стартап, венчур ва сунъий интеллектни ривожлантириш, кичик бизнесни ўрта, ўрта корхоналарни эса йирик компанияларга айлантириш учун экотизим яратиш шулар жумласидан.

Президентимиз белгилаб берган 7 та стратегик миллий дастур Янги Ўзбекистоннинг миллий юксалиш даври учун аниқ вазифалар, катта марралардир. Халқимизнинг ақл-заковати, меҳнати ва бирдамлиги орқали бу мақсадларга эришиб, келажак авлодларга фаровон ва қудратли Ватанни мерос қолдиришга ишонамиз.

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Биз учун Ҳиндистон тарихан ҳамма соҳаларда ҳамкор саналади. Бу ҳақиқатни Беруний бобомизнинг “Ҳиндустон” асарида, Бобур Мирзонинг “Вақоеъ” мемуарида яққол кўрамиз. Огаҳий таржима қилган “Калила ва Димна” ҳам адабиётимиз равнақига жиддий ҳисса қўшгани зиёлиларимизга маълум ва равшан. Жадид бобомиз Фитрат ҳинд сайёҳи воситасида оламшумул ва миллий муаммоларимизни асосли кўтариб, ишонарли далиллар келтиргани бу икки халқ ўртасида ўхшашлик тамсилга айланганидан дарак беради. Ўзаро муносабатлар турли даврларда турфа даражада бўлса-да, мудом тараққий этиб, мустаҳкамланиб бораверган.

(Давоми 2-саҳифада).

ТАНИТИМ

ОТАЮРТДАН ОНАДЎЛИГА



Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона ва Ислом цивилизацияси марказида “Ҳиротга, бобомнинг ҳузурига!” китобининг тақдимоти бўлганидан хабарингиз бор. Шундан кейин қардош давлатлардан танитим ўтказиш ҳақидаги таклифлар кела бошлади.

ТАДОРИК

Йўлга чиқадиган киши одатда нима қилади? От-улови, туёқ-тушови, яловию оловини ҳозирлайди. Биз ҳам боболар удумини тутиб, икки хуржунни тўлдириб-тўлдириб... китоб ортдик. Йўл одами нон олади, кийим солади, тағин у-бу нарса дегандек... Аммо биз хуржуннинг бўғзига довур китоб солдик. Бош омон бўлса, дўппи топилар, Истанбулдай шаҳри азимда бошяланг, очу наҳор қолмасмиз, деган умидимиз бор эди-да...

Бу ёғи ҳам ҳангома бўлди. Тўрвамизни уйда ўлчамабмиз... Саккиз килодан бир мисқол оғир бўлса ҳам юкингни ўтказмайман, дегичларнинг лаби чўччайди. Маҳшар куни икки пайса савоб етмаган гумроҳдек атрофга аланглаб, “Жон ака, шугинани сўмкангизга солиб кетинг! Бизни юк сағал оғир келди.

(Давоми 4-5-саҳифаларда).

ФАКТ

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида камбағалликни қисқартириш ва аҳоли даромадларини ошириш бўйича ишларни янги босқичга олиб чиқиш юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.**

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёева Қатар Давлати Амири Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний билан учрашди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг самимий саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.**

✓ **Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар Имом Қарофий номидаги “Фатво соҳасидаги юксак хизматлари учун” халқаро мукофоти билан тақдирланди.**

✓ **Академик эшкак эшувчиларнинг катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Шаҳзод Нурматов ва Собир Сафаралиев Ўзбекистон тарихидаги биринчи олтин медални қўлга киритди.**

7 СЕНТЯБРЬ – АКАДЕМИК ИБРОҲИМ МЎМИНОВ ТУҒИЛГАН КУН

ИЗДОШ

ёхуд тафаккурни таҳрир қилган аллома



Иброҳим Мўминовни кўпчилик файласуф олим, жамоат арбоби сифатида билади, танийди. Лекин у кишининг муҳаррирлик фаолияти ҳам салмоқли кечган. Муҳаррир деганда, кўпчилик матннинг имло хатосини тузатадиган, уни қисқартирадиган, жимжимадор сарлавҳа қўядиган одамни тасаввур қилади. Аслида, муҳаррир мақолалар орқали жамиятнинг кун тартибини шакллантиради, ижтимоий фикр ўзанини яратади. Кучли нашр ортида нафақат муаллифлар ва таҳририят, балки муҳаррир ва у яратган таҳрир мактаби туради.

(Давоми 7-саҳифада).

ҚУЁШ ТОМЛАРГА ҚЎНГАНДА...



(6-саҳифада ўқинг).

ВАТАН МАНЗУМАСИ

Фавворалар файзи

Отабек БАХТИЁР

Дунёдаги энг баланд мусиқали фаввора сифатида Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олган Янги Тошкентдаги фавворага бағишланади



**Эллар бор, бошида тик минорадай –
Ҳалокат белгиси – хавф тутунлари.
Мусаффо осмонга салом йўллайди,
Янги Ўзбекистон сув устунлари.**

**Юлдузга талпинар, юлдуз ошиғи,
Оққушлар – гирдида парвоналари.
Халқимнинг руҳидай юксак парвози,
Янги Тошкентимнинг фавворалари.**

**Боқсанг, наволарга айлайди хиром,
Ҳайратдан юраклар зарб билан тепар.
Ўйлаким, янги уй, янги ҳовлилар,
Янги келинчаклар бунда сув сепар.**

**“Сувга қанот берган қайси омиллар?”
Бир сайёҳ термулиб турарди ҳайрон.
“Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир”,
Дея лутф этмишдир бобомиз Чўлпон.**

**Хизр булоғини изламадик ҳеч,
Одам ва мангулик дўстлиги маҳол.
Илло, қуримасин Тинчлик денгизи,
Юртда мангу бўлсин буюк Истиқлол!**

КУЗАТУВ

ДЎППИДЕККИНА ГАП



2016 йилнинг бошидан кузига қадар “Маданият ва маърифат” телеканалида “Тафаккур жилолари” деган кўрсатувни олиб борган эдим. Ҳар гал адабиёт, санъат, илм-фан намояндалари билан суҳбатимиз Миллий кутубхонада суратга олинади. Бир куни суҳбатга дўппи кийиб борибман. Камералар шайлангач, хизматдаги йигитлар “Домла, дўппини ечиб қўйинг”, деб илтимос қилишди.

– Нега?

– Энди, биласиз-ку, мумкин эмас...

– Нега мумкин эмас? Бу Ўзбекистон телевидениеси, кўрсатув ҳам ўзбек тилида, мустақил давлат бўлсак?

– Ўзингиз биласиз-ку... Рухсат беришмайди, барибир.

– Ундай бўлса, мен суҳбатда қатнашмайман.

– Домла, шошманг, биз телефон қилиб раҳбарлардан сўраб кўрайлик.

– Нимани сўрайсиз? Дўпписи бор экан, майлими, дебми?

– Ҳа, рухсат олволайлик, хўп дейишса, бемалол.

Мен бироз асабийлашдим. “Агар шуни сўраб телефон қиладиган бўлсангиз ҳам қатнашмайман”.

Бечора йигитлар танг аҳволда қолишди. Мен ахир, бошловчиман. Бир машина техника опкелишган, алюмин рельсларгача. Шунча оворагарчилик!

– Нима қилсак экан?

(Давоми 6-саҳифада).



МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ ДАВРИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Ҳатто, ёпиқ совет замонида ҳам ҳинд раҳбарлари, адиблари ва санъаткорларининг оёқлари юртимиздан узилмаган. Шунингдек, бизнинг миллатимиз ойдинлари ҳам бу афсоналар диёрига тез-тез сафар қилиб, беназир хотиралар, асарлар яратишган. Зулфияхонимнинг халқаро Жавоҳарлаъл Неру мукофотини шахсан Индра Ганди қўлидан олгани ҳанузгача тилларда достон. Шоиранинг ўтли “Мушоира” достони, академик шоир Ғафур Ғуломнинг ҳинд сафари туркуми, Абдулла Қаҳҳор эсдаликлари, Шароф Рашидовнинг “Кашмир қўшиғи” ва Эркин Воҳидовнинг “Руҳлар исёни” достони каби дўстлик ҳамда хайрихоҳлик туйғуларига йўғрилган бадиий асарлар фикримизга асосдир.

29-30 август кунлари Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модининг Ўзбекистонга давлат ташрифи икки мамлакат муносабатларида муҳим тарихий воқеа бўлди.

Маҳаллий ва халқаро экспертлар таъкидлаётганидек, Тошкент ва Деҳли муносабатлари эндиликда анъанавий дўстлик ва тарихий яқинлик доирасида чекланиб қолмайди. Улар стратегик ҳамкорлик, иқтисодий шериклик, технологик алмашинув ва халқлар ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқаларга таянган кўп қиррали тизимга айланмоқда.

Нарендра Модининг ташрифи давомида Ўзбекистон ва Ҳиндистон муносабатларини ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига олиб чиқиш муҳим аҳамият касб этди. Бу мақом икки мамлакат ўртасидаги сиёсий ишончнинг юқори даражасини англатиш билан бирга, ҳамкорликни аниқ амалий лойиҳалар билан тўлдириш масъулиятини ҳам юклайди.

Энг муҳими, ҳамкорликни фақат хомашё етказиб бериш билан чекламасдан, геология, қазиб чиқариш, қайта ишлаш, технология ва кадрлар тайёрлаш занжири асосида йўлга қўйиш кўзда тутилган. Шунда минерал ресурслар иқтисодий ўсишнинг янги манбаига айланади. Ўзбекистон ва Ҳиндистон қишлоқ хўжалигида ҳам катта салоҳиятга эга.

Аҳоли сонининг кўплиги, сув ресурсларига бўлган талабнинг ортиши ва иқлим ўзгариши ҳар икки давлатни аграр соҳада инновацион ечимлар излашга ундамоқда. Ташриф доирасида уруғчилик, томчилатиб суғориш технологиялари ва боғдорчилик соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Икки мамлакат муносабатларининг энг таъсирчан жиҳатларидан бири – маданий-гуманитар яқинликдир. Нарендра Модининг Тошкентдаги йога дастурида иштирок этиши, Янги Ўзбекистон ёдгорлигига ташрифи ва собиқ Бош вазир Лаъл Баҳодир Шастри хотирасига эҳтиром кўрсатиши ташрифнинг рамзий мазмунини бойитди. Ўзбек ва ҳинд мусиқий анъаналари, Болливуд куйлари, катак санъати ҳамда миллий маданият намуналарининг намойиши икки халқ ўртасидаги маънавий яқинликни яна бир бор кўрсатди.

Термиздаги Фаёзтепа ва Қоратепа буддавийлик мероси объектларини консервация ва реставрация қилиш бўйича ниятлар баённомасининг имзоланиши ҳам икки мамлакатнинг умумий тарихий меросга масъулиятли муносабатини ифодалайди. Ҳиндистон фуқаролари учун Ўзбекистонда 30 кунлик визасиз режим жорий этилиши халқлар ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтиради.

ШҲТДА ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ

1 сентябрь куни Бишкек шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШҲТ) аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг юбилей йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этган ушбу саммит якунлари хорижий ОАВ ва экспертлар ҳамжамиятида кенг муҳокама қилинмоқда.

Ўзбекистон учун ШҲТ ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири.

Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг (МАТТ Ижроия қўмитаси) айнан мамлакатимиз ҳудудида жойлашгани, Марказий Осиё эса ШҲТнинг географик ва стратегик асоси сифатида расман тан олингани бунинг яққол далилидир. Ушбу платформа орқали Тошкент бир вақтнинг ўзида ўзаро алоқадор учта вазифани ҳал қилмоқда: минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, қитъанинг иқтисодий боғлиқлигини кенгайтириш ҳамда очиқ, блокларга қўшилмаслик ва кўп векторли сиёсат юритиш. Ўзбекистоннинг бу борадаги қатъиятини нафақат сиёсий баёнотларда, балки амалий ташаббусларни изчил илгари суришда ҳам намоён бўлмоқда.

Бишкек саммитида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган “ШҲТ–2040: умумий тараққиёт макони” концептуал қарашни ишлаб чиқиш таклифи катта аҳамиятга эга. Ташкилотнинг 2035 йилгача мўлжалланган Ривожланиш стратегияси мавжуд бўлса-да, бундай узоқ муддатли ҳужжат келгуси 15 йилдаги тараққиёт векторини белгилаб беради.

Мазкур концепция ташкилотнинг узоқ муддатли фундаментал мақсадини аниқлайди, уни инвестициялар, технологиялар ва билимлар эркин ҳаракатланадиган, йирик инфратузилма ва саноат лойиҳалари амалга ошириладиган, минтақалар, бизнес ва одамлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар кенгайиб борадиган ўзаро боғлиқ ва барқарор маконга айлантиришдир. Бу ШҲТнинг ҳозирги сиёсий-демографик салмоғи (жаҳон аҳолисининг 42 фоизи, ЯИМнинг 36 фоизи) унинг ички иқтисодий ҳамкорлиги (бор-йўғи 1 трлн доллар) кўламидан сезиларли даражада каттароқ экани ҳақидаги муаммога ечим ҳисобланади.

Ўзбекистон Президенти томонидан саммитда илгари сурилган энг муҳим амалий ташаббуслардан бири ШҲТ Саноат кооперацияси харитасини яратиш масаласи бўлди. Унинг аҳамияти шундаки, бугунги кунда асосий муаммо қўшма лойиҳаларнинг камлигида эмас, балки маълумотларнинг тарқоқлиги ва тартибга солиш шарт-шароитларидаги фарқлардадир.

Давлатимиз раҳбари умумий тамойилларни муҳокама қилишдан ШҲТ Тараққиёт банкини амалда ишга туширишга ўтишга чақирди. Тузилмада транспорт, энергетика ва рақамли соҳаларга оид қўплаб ғоялар мавжуд, бироқ уларни молиялаштириладиган лойиҳаларнинг тайёр портфелига айлантирадиган ўз механизми йўқ. Банк кўп томонлама лойиҳалар учун айнан шу институционал бўшлиқни тўлдириши мумкин. Ўзбекистон таклифининг принципиал жиҳати шундаки, банкнинг ишга туширилиши аппарат яратиш билан эмас, балки транспорт, энергетика, саноат ва рақамли инфратузилма соҳаларидаги лойиҳалар портфелини шакллантириш билан боғланади. Бунда аввал лойиҳалар, уларнинг қиймати ва кутилаётган самара, сўнгра банкнинг капитали ва тузилмаси белгиланади.

Президент Шавкат Мирзиёев ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг Сунъий интеллект соҳасида ҳамкорлик бўйича бутунжаҳон ташкилотини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусини олқишлаб, ШҲТнинг ушбу янги технологик альянс билан шериклик ўрнатишини таклиф қилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан иқлим ўзгариши, сув, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлиги учун ягона кун тартибини ишлаб чиқиш, темир йўл маконлари интеграцияси бўйича кенгаш таъсис этиш, Афғонистон билан мунтазам мулоқотни қайта тиклаш, қардош халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш мақсадида 2028–2030 йилларга мўлжалланган анъанавий санъат ва номоддий маданий меросни асраб-авайлаш ҳамда оммалаштириш бўйича ҳамкорлик дастурини тайёрлаш ташаббуслари ҳам мамлакатларимиз тараққиёти, хавфсизлиги ва минтақавий иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш, ШҲТни яқин келажакда глобал тараққиёт марказига айлантиришга хизмат қилади.

Иқбол МИРЗО

МУШТАРАК МЕРОС

Тошкент шаҳри ҳамда Бўстонлиқ туманида ўзбек-қозоқ адабиёти вакиллари иштирокида “Туркий дунёнинг маънавий мероси: адабиёт – даврлар ва авлодлар мулоқоти” мавзусида халқаро форум бўлиб ўтди. Мазкур нуфузли анжуман Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 35 йиллиги, Биринчи туркология қурултойининг 100 йиллиги ҳамда буюк мутафаккиримиз Мир Алишер Навоий таваллудининг 585 йиллиги муносабати билан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Маданият вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги, ҳар икки давлатнинг Ёзувчилар уюшмалари ҳамда Туркий маданият ва мерос жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу анжуман қардош халқлар ўртасидаги адабий-маданий алоқаларни янги босқичга кўтариш йўлида муҳим тарихий қадам бўлди.



Миллий адабиётимизнинг кенг жуғрофиясига назар ташласак, бугун биз қураётган янги келажакнинг маънавий пойдеворига “шу улуғ бинога бир ғишт қўйсак бас”, дея енг шимарган неча-неча жонкуяр меъморларни кўрамиз. Улар орасида қўшни давлатларда туғилган сўз заргарлари ҳам бисёр. Мисол учун, Қозоғистон замини ўзбек романчилиги ва шеъриятига Одил Ёқубов, Миртемир ҳамда Носир Фозиловларни туҳфа этди. Қирғизистон тупроғи улуғ олим Алихонтўра Соғуний, Шавкат Раҳмон ва Турсунбой Адашбоевни вояга етказди. Тожикистон эса ўлмас тарихий романлар муаллифи Пиримқул Қодиров сингари бир қатор адибларимизнинг киндик қони тўкилган гўшадир. Масалан, “Тошкентни севмоқлик юракнинг иши, Шу учун шартмикан бунда туғилмоқ!” деган эди “Низомий ватани, Ганжа ўлкаси”да вояга етган озарбайжон шоири Мақсуд Шайхзода ўзининг машҳур “Тошкентнома”сида...

Тошкентдан узоқлашмаймиз... Дунё аҳлига не-не алломалар, сўз заргарлари, етук шахсларни берган бу азиз тупроқда туғилиб ўсган, қўшни давлатларнинг ривожига мислсиз ҳисса қўшган инсонлар ҳам талайгина, албатта.

ХХ аср қозоқ адабиётининг забардаст намояндаси, таниқли ёзувчи, драматург ва таржимон Рахметолла Райимқулов ҳам ана шундай адиблардан биридир. У 1913 йилда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманига қарашли Қараманас қишлоғида дунёга келган ва шу муҳитда ижодий камол топган. Ёзувчи ўзининг “Яшил довон”, “Туяли одам” қиссалари ва машҳур “Қора йўрға” романи билан қозоқ насрининг юксак чўққиларини забт этди. Унинг ҳаёт йўли ва камолоти бевосита Тошкент адабий-маърифий муҳити билан боғлиқ. Аввал Тошкентдаги қозоқ педагогика техникумида таҳсил олган, маҳаллий “Алға” газетасига муҳаррирлик қилган Рахметолла оға кейинчалик Олмаотада журналистика бўйича олий маълумотга эга бўлган... Иккинчи Жаҳон урушидан қайтгач эса Қозоғистон Миллий университетида талабаларга сабоқ берган. Шу билан бирга, Ёзувчилар уюшмаси ва нуфузли адабий нашрларда узоқ йиллар турли лавозимларда хизмат қилган. Айниқса, Садриддин Айнийнинг машҳур “Бухоро” трилогиясини қозоқ тилига ўгирган моҳир таржимон сифатида ҳам танилган. Икки халқнинг адабий алоқаларини ривожлантиргани ва жасоратли хизматлари учун бир неча орден ва медаллар билан тақдирланган.

Фаолиятининг дастлабки йилларида адиб ўзи таҳсил олган мактабда бир муддат дарс берган эди. Халқаро анжуман доирасида мазкур таълим муассасасига – Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги 34-сонли умумий ўрта таълим мактабига икки элнинг ардоқли фарзанди Рахметолла Райимқулов номи берилиши муносабати билан маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Янги ўқув йили ва Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллигига бағишланган “Ягона ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” шиори остидаги “Биринчи қўнғироқ” маросимида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги тарихий-маданий яқинлик, яхши қўшничилик ва дўстлик муносабатларининг аҳамияти алоҳида таъкидланди. Унда Қозоғистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Малик Отарбаев, Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Мереке Кулкенов, Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ерали Тўғжанов, Туркий маданият ва мерос жамғармаси президенти, профессор Ақтўти Раимқулова, шунингдек, қозоқ адабиёти ва маданияти намояндалари, ёзувчилар, журналистлар ва адабиётшунослар иштирок этди.

Тантанали маросим жонажон Ватанимизнинг Давлат мадҳияси билан бошланди. Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Хайриддин Султонов Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг янги ўқув йили ҳамда Билимлар куни муносабати билан мамлакатимиз ўқувчи ёшлари, жонкуяр устоз ва мураббийлар, ота-оналарга йўллаган самимий табригини ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазири Эъзозхон Каримова, вилоят ва туман ҳокимликлари вакиллари, туман Кенгаши депутатлари, маҳалла фаоллари, педагоглар ҳамда ота-оналар сўзга чиқди. Улар таълимга эътибор ва Ўзбекистон–Қозоғистон ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланаётганини таъкидлади. Шундан сўнг “Биринчи қўнғироқ” янгради. Жажжи ўқувчилар ижросидаги ўзбек ва қозоқ халқ фольклори намуналари байрам иштирокчиларига кўтаринки кайфият бағишлади.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмита ҳамда Туркий маданият ва мерос жамғармаси томонидан мактаб кутубхонасига китоблар топширилди. Кейин “Рахметолла Райимқулов: авлодларни бирлаштирувчи мерос” мавзусида ижодий учрашувлар ва очиқ дарс ўтказилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳил ва тотувликда истиқомат қилмоқда. Миллати, тили ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, ҳар бир боланинг сифатли таълим олиши, ўз иқтидори ва қобилиятини рўёбга чиқариши учун тенг имкониятлар яратиш Янги Ўзбекистон тараққиёт сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир. Шу маънода, янги ўқув йилининг бошланиши минглаб оилалар ҳаётида алоҳида аҳамият касб этади. Жорий 2026/2027-ўқув йилида 800 мингга яқин бола илк бор мактаб остонасига қадам қўяди. Қараманас қишлоғида ўтказилган ушбу тадбирда ҳам биринчи синф ўқувчиларига “Президент совғаси” тантанали равишда топширилди.

Тадбир доирасида Рахметолла Райимқулов номидаги кутубхонанинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда адибнинг қизи – таниқли давлат ва жамоат арбоби, Халқаро Туркий маданият ва мерос жамғармаси президенти, профессор Ақтўти Райимқулованинг отаси ҳақида хотиралари анжуманга алоҳида руҳ ва ҳаяжон бағишлади.

3 сентябрь куни форум Тошкент шаҳрида давом этди.

Маълумки, Низомиддин Мир Алишер Навоий асарларининг қозоқ адабиётига таъсири, аввало, Абай Қўнонбоев ижодида яққол намоён бўлади. У ўзининг илк



шеърларидан бирида Навоийни Фузулий, Саъдий, Фирдавсий ва Ҳофиз сингари буюк шоирлар қаторида тилга олиб, улардан “медет” – мадад сўрайди. Абайшунос ва атоқли адиб Мухтор Авезов эса Абай ҳазрат Навоийни “ўзига энг яқин устоз” деб билганини таъкидлайди.

Ана шу адабий яқинлик руҳида кечган тадбирлар Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйиш маросими билан бошланди. Форум дастуридан “Адабий дўстлик – абадий дўстлик” мавзусидаги китоблар кўргазмаси, Биринчи Боку туркология конгрессининг 100 йиллигига бағишланган архив материаллари намойиши, махсус сессия ҳамда “Туркий дунё адабий ҳамкорлигининг янги уфқлари” мавзусидаги давра суҳбати ўрин олди.

Форумнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов, Қозоғистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Малик Отарбаев, Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Озодбек Назарбеков, Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ерали Туғжанов, Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Мереке Кулкенов, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори Абдусаид Кўчимов ҳамда Туркий маданият ва мерос жамғармаси президенти Ақтўти Раимқулова, шунингдек, Ўзбекистон ва Қозоғистон ёзувчилари, олимлари, таржимонлари иштирок этди. Форумнинг ялпи мажлисини Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид бошқариб борди.

Анжуман доирасида “Ўзбекистон ва Қозоғистон адабий мулоқоти: умумий мерос, замонавийлик ва ҳамкорликнинг янги уфқлари” мавзусидаги сессия бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат адабиёти ўртасидаги тарихий ва бугунги алоқалар, муштарак адабий мерос, ижодий ҳамкорлик, асарларни ўзаро таржима қилиш ва нашр этиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Каримов “ХХ аср 20-йиллари ўзбек-қозоқ адабий алоқалари ҳақида” мавзусида маъруза қилди. Унда икки халқ адабиёти ўртасидаги тарихий яқинлик, ижодий таъсир ва ўша давр адабий жараёнларининг ўзаро муштарак жиҳатлари ҳақида фикр юритилди. Қозоғистонлик адабиётшунос, танқидчи ва публицист, филология фанлари доктори, профессор Қулбек Ергобек ҳам сессияда маъруза билан иштирок этди. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети проректори, филология фанлари доктори, профессор Нурбой Жабборов “Алишер Навоий ва Низомий Ганжавий адабий меросининг умумбашарий аҳамияти” мавзусида сўз юритди.

Қозоғистонлик ёзувчи ва публицист, Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Қанат Олтинбек “Тарихий тақдирдош, адабий томирдош икки халқнинг адабиёт майдони” мавзусида маъруза қилди. Унда ўзбек ва қозоқ халқларини бирлаштириб турувчи тарихий хотира, муштарак қадриятлар ҳамда адабий анъаналар ҳақида сўз борди.

Сессия доирасида Ўзбекистон ва Қозоғистонда нашр этилган китоблар тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат ижодкорларининг асарлари, адабий алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилаётган янги нашрлар намойиш этилди.


Мазкур халқаро форум доирасида Тошкент декларацияси қабул қилинди. Ҳужжат Ўзбекистон ва Қозоғистон Ёзувчилар уюшмалари раислари ҳамда Туркий маданият ва мерос жамғармаси президенти томонидан имзоланди.

Қизғин таассуротлар ва қардошлар дийдори завқи билан кечган форум икки халқни боғлаб турган маънавий кучни яна бир бор намоён этди.

Ш.ИБРОҲИМОВ

САРҲИСОБ

ИНСОН ВА ҚАДР



Ўттиз беш йил – тарих учун бир лаҳза. Инсон умри учун эса катта бир давр. Бу йил Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигининг 35 йиллигини нишонлади. Ўттиз беш йил давомида мамлакатимиз ўзининг мустақил давлат сифатидаги салмоқли йўлини босиб ўтди. Бу йўл осон кечмади. Унда изланишлар ҳам, синовлар ҳам, ютуқлар ҳам, мураккаб қарорлар ҳам бўлди. Аммо бугун, 35 йиллик тарихимизга назар ташлар эканмиз, бир савол, айниқса, муҳим: "Мустақиллик инсон ҳаётида нимани ўзгартирди?" Менимча, бу саволга жавоб беришнинг энг тўғри йўлларидан бири – бир асрга яқин умр кўрган инсон билан суҳбатлашишдир.

Яқинда Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани, Заркент қишлоғида истиқомат қилаётган, 90 ёшга яқинлашиб қолган донишманд устозим Собиржон Отажоновнинг зиёратига бордим. У киши биз академик лицейда ўқиган вақтимиз директор бўлиб ишлаган, мамлакатимиз тарихининг бир неча даврини ўз кўзи билан кўрган, давлат бошқарувида турли синовларни бошидан кечирган, ҳаётнинг паст-баландини теран англаган инсон. Суҳбатимиз узоқ давом этди. Гап мамлакат тақдири, давлат бошқаруви, иқтисодиёт, таълим, қишлоқ ҳаёти, ёшлар, тадбиркорлик ва, албатта, мустақиллик йилларидаги ўзгаришлар ҳақида борди.

Устознинг сўзларида мен бир нарсани яққол ҳис қилдим: Мустақилликнинг энг катта маъноси – давлатнинг ўз тақдирини ўзи белгилашида бўлса, унинг энг юксак натижаси инсоннинг ўз ҳаётини эркин қуриш имконияти кенгайишида намоён бўлади. 35 йилни байрам эмас, натижа билан ўлчайлик.

Мустақилликнинг 35 йиллиги ҳақида гап кетганда, одатда, давлатчилик, миллий рамзлар, иқтисодий ютуқлар, ташқи сиёсат, қурилишлар, янги шаҳарлар ва корхоналар ҳақида сўз юритилади. Буларнинг барчаси муҳим. Аммо мен бугун бошқа мезонни таклиф қилмоқчиман. Ўттиз беш йилни инсон ҳаёти билан ўлчайлик. 1991 йилда туғилган бола бугун 35 ёшда. У мустақил Ўзбекистон билан бирга улғайди. Унинг болалиги, ёшлиги бошқа босқичда, меҳнат фаолияти эса Янги Ўзбекистон даврига тўғри келди. Шу бир авлод ҳаётининг ўзи мамлакатимиздаги ўзгаришларнинг тирик хроникасидир. Унинг дунёқарашидаги ўзгаришни, таълим имкониятларини, касб танлаш эркинлигини, илғор технологиядан фойдаланишини, хорижга чиқиши, тадбиркорлик қилиш имкониятини кузатсангиз, 35 йиллик мустақилликнинг мазмунини ҳис қилиш мумкин.

Бироқ бугунги ўзгаришларни тўлиқ англаш учун ундан ҳам узоқроқ тарихий хотира керак. Собиржон домламизнинг ҳаёт йўллари ана шу маънода ноёб мезондир. У совет даврини ҳам, мустақилликнинг дастлабки йилларини ҳам, кейинги ислоҳотларни ҳам кўрди. Шунинг учун у кишининг баҳоси оддий кузатувчининг эмас, тарихни яшаб кўрган инсоннинг баҳосидир. Суҳбатимизда устоз сўнгги йиллардаги ислоҳотларга жуда юқори баҳо берди.

– Мен кўп даврларни кўрдим, – деди у киши. – Давлат бошқарувида турли синовларни бошдан кечирдик. Лекин кейинги ўн йиллардаги ўзгаришларнинг энг катта фарқи – давлатнинг инсонга муносабати ўзгарганида.

Бу гап мени ўйлантирди. Чунки кейинги ўн йилликларга назар ташласак, давлатчиликнинг мазмуни ҳам босқичма-босқич бойиб борганини кўрамиз. Аввал мустақил давлатни барпо этиш, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш, давлат институтларини шакллантириш вазифаси амалга оширилди. Кейин иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш зарурати олдинга чиқди. Бугун эса биз бошқа босқичдамиз. Давлатнинг асосий вазифаси инсон учун қандай шароит яратиш экани ҳақида янада қатъий гапиряпмиз. Бу – мустақилликнинг мазмунан янги босқичидир. Устоз, хусусан, валюта конвертацияси муаммосининг ҳал этилганини алоҳида таъкидлади. Бугун буни ёш авлодга тушунтириш ҳам осон эмас. Чунки улар учун хорижий валюта сотиб олиш, халқаро тўловларни амалга ошириш, чет элга чиқиш ёки хорижий компаниялар билан ишлаш ҳаётнинг оддий бир қисмига айланган.

Аммо бундан бир неча йил олдин вазият мутлақо бошқача эди. 2017 йилда валюта бозорини либераллаштириш ва конвертацияни эркинлаштириш бўйича қатъий қарорлар қабул қилинди. Иқтисодчи учун бу – валюта бозори ислоҳоти. Тадбиркор учун – бизнес юритиш эркинлиги. Ота-она учун – фарзандини хорижда ўқитиш, фуқаро учун – ўз маблағини эркин тасарруф этиш имконияти. Демак, иқтисодий ислоҳотнинг ортида инсон эркинлиги турибди. Мустақилликнинг моҳияти ҳам аслида шу эмасми?

Собиржон домла давлатнинг иқтисодий қарорларида инсон қадрига эътибор ва унинг имкониятлари кенгайиши, энергия соҳасидаги ўзгаришлар, йўллар, қишлоқлардаги шароитлар ҳақида гапирди. Бу масалаларга ҳам мустақилликнинг 35 йиллиги нуқтаи назаридан қараш мумкин. Чунки мустақиллик фақат давлат байроғи ва давлат чегараси эмас. У – инсоннинг кундалик ҳаётида намоён бўладиган имкониятлардир. Қишлоқдаги янги йўл – мустақил тараққиётнинг бир кўриниши. Янги электр тармоғи – иқтисодий мустақилликнинг бир қисми. Янги мактаб – интеллектуал мустақилликнинг асоси. Интернет – ахборот мустақиллигининг воситаси. Янги корхона – иқтисодий мустақилликнинг таянчи. Тадбиркорнинг эркинлиги – инсоннинг ўз тақдирини ўзи белгилаш имконияти. Шунинг учун бугун мустақиллик тушунчасига фақат сиёсий-ҳуқуқий категория сифатида қараш камлик қилади. Мустақиллик инсоннинг муносиб ҳаёт кечириш имкониятига айлангандагина, ўзининг тўлиқ мазмунини топади.

Устозимизнинг энг таъсирли фикрларидан бири пахтадаги мажбурий меҳнатга барҳам берилгани ҳақида бўлди. У киши буни Президент Шавкат Мирзиёевнинг қатъий сиёсий иродаси билан боғлаб, жуда катта тарихий қадам сифатида баҳолади. Менимча, бу масала мустақилликнинг 35 йиллик тарихида алоҳида ўрин тутади. Нега? Чунки бу ерда гап фақат пахта ўсимлиги ҳақида эмас. Гап инсон ҳақида. Бир инсоннинг вақтини ким белгилайди? У қаерда меҳнат қилишини ким ҳал қилади? Унинг фарзанди қачон таълим олади? Ўқитувчи синфхонада бўладими ёки далада? Талаба аудиторияда ўтирадими ёки пахта теримига чиқадими? Мана шу саволларга берилган жавоблар инсон қадрига бўлган муносабатни кўрсатади.

Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотларига кўра, 2021 йилга келиб Ўзбекистонда пахта соҳасида тизимли болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат амалиёти тугатилгани қайд этилган. Мониторингда қатнашган пахта теримчиларининг 99 фоизи ўз хоҳиши билан меҳнат қилган. Кейинчалик Ўзбекистон пахтасига нисбатан халқаро бойкот ҳам бекор қилинди. Бу ўзгаришни мен Мустақилликнинг инсон ҳаётидаги энг муҳим натижаларидан бири, деб ҳисоблайман.

Собиржон домла билан хайрлашар эканмиз, суҳбат давомида айтилган бир фикр яна хаёлимда айланди: давлатнинг қудрати фуқаронинг ўз кучига бўлган ишончида билиниши керак.

Шуҳрат ЁҚУБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати



Кўрдимки, энг яхши дўст илм экан.

Нажмиддин КУБРО

ОНАЖОНИМ – ТАБИАТ

ЯШИЛ ТАФАККУРНИНГ *уйғониши*

Ўттиз беш йил... Инсоният тарихи олдида бу киприк қоққулик фурсатдир, эҳтимол. Аммо шу даврнинг ҳар бир куни, ҳар бир сонияси миллатимиз учун тикланиш, англаш ва яратиш мактаби вазифасини ўтаб бермоқда. Хўш, бу тикланиш бизга нимани ўргатди? Энг аввало, асл ўзлигимизга, азалий томирларимизга қайтишни ўргатди. Фикримизни экология, атроф-муҳит муҳофазаси мавзусида давом эттирайлик. Ахир, табиатни асраб-авайлаш биз учун хориждан кириб келган қандайдир янгилик ёки замонавий тренд эмас. Бу неча асрлардан буён қон-қонимизда яшаб келаётган, авлоддан авлодга кўчиб ўтган буюк туйғу! Ота-боболаримиз бежизга "Сувга туфлама", "Ахлатни ариққа супурма", "Бирни кессанг, ўнни эк", дея уқтиришмаган. Шу маънода, табиатга меҳр, борлиқни муқаддас билиш бевосита миллий қадриятларимиз илдизига бориб тақалади.

Бироқ тан олиш керак, яқин ўтмишда мана шу буюк меросдан, шу табиий мувозанатдан узилиб қолган эдик. Келинг, юртимизда Истиқлол шодиёналари давом этаётган шукуҳли кунларда кечаги ва бугунги кунимизни, экологик маданиятимиздаги паст-баландликларни тарих манзараларида таққослаб кўрайлик.

ТАБИАТ ТОВОН СЎРАЙДИ

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларини ёдга олайлик. Узоқ давом этган мустамлака тузуми инсон ва табиат ўртасидаги азалий ришталарни шафқатсизларча узиб ташлаган эди. Одамлар онгида табиат фақат хомашё манбаи, "бойлик ундириладиган карьер" сифатида гавдаланарди. Қадриятлар топталди. "Юқори"нинг туганмас режасини бажариш илинжида ер аёвсиз эксплуатация қилинди, икки азим дарёнинг суви шафқатсизларча совурилди. Табиат мувозанатига ыщпол аралашувнинг товони жуда оғир бўлди. Кечагина тўлқинлари қирғоққа урилиб, минглаб одамларга ризқ улашган улкан Орол денгизи кўз ўнгимизда йўқликка чекина бошлади. Оқибатда ҳаёт қайнаган денгиз ўрнини бепоён саҳро, осмонда чарх урадиган қушлар ўрнини эса шўр ва заҳарли чанг-тўзон эгаллади.

Экологик маданият тушунчаси деярли йўқолиб, атроф-муҳит ҳақида қайғуриш фақат қоғоздаги баландпарвоз шиорлар ичида қолиб кетган энг оғир йиллар эди бу. Ота-боболардан мерос сувни эъзозлаш одати унутилди, дарё ва кўлларимиз саноат чиқиндилари билан аёвсиз ифлослантирилди. Одамлар табиатни қутқариш ҳақида ўйлашга мажолсиз, кундалик тирикчилик ташвишлари билан ўралашиб қолди. Биргина аччиқ ҳақиқатга эътибор қаратинг: мустақилликнинг энг хавфли, энг оғриқли касаллигига айланиб улгурган эди.

Бўшаган елим идишни машинасининг ойнасидан хотиржам улоқтириб кетаётган ҳайдовчиларни кўрсак-да, индамасдик. Табиатни асраш тўғрисидаги гаплар мажлислар залида, газеталар саҳифасида қолиб кетар, амалда экологик маданият жамиятнинг кундалик ҳаётига умуман кириб бормаган эди. Табиат бойликларидан худди эртага ҳаёт тугайдигандек, фақат бугунги кун манфаати йўлида фойдаланиш авжига чиққанди. Масалан, 2021 йилгача мамлакатимизда "яшил" энергетика улуши нолга тенг бўлгани ҳам ўша пайтдаги ресурсларга нисбатан қандай муносабатда бўлганимизни яққол кўрсатиб турибди.

"МОТТАИНАЙ" – "УВОЛ БЎЛАДИ"

Сайёрамизнинг илғор давлатлари бу инқирозли босқичдан аллақачон ўтиб, табиатни асрашни давлат даражасидаги қадриятга айлантиришга улгурган. Масалан, Япониянинг Камикацу деган мўъжазгина шаҳарчаси бор. У ерда чиқинди ташлаш учун умумий идишнинг ўзи йўқ. Аҳоли ҳар бир чиқиндини – қоғоз, шиша, елим, металл ва бошқаларни 45 хил тоифага ажратиб, махсус кутига ташлайди. Бу жаримадан қўрқиш ёки мажбурият тақозосидан қилинмайди. Японларда "Моттаинай" деган миллий фалсафа бор. Бу тушунча "атроф-муҳитдаги ҳар бир нарсанинг уволи бор, унга ҳурматсизлик қилиш кечирилмас хатодир", деган маънони англатади. Ахир, бу ота-боболаримиз тилидан эшитиб улғайганимиз – "увол бўлади" деган азалий тушунчамизнинг худди ўзи-ку!

Сингапурни олайлик. Ўтган асрнинг 60-йилларида бу митти давлат чиқиндиларга ботган, дарёларидан бадбўй тараладиган, дарахтсиз ва дим бир ўлка эди. Табиий бойликлари, ҳатто ичимлик суви ҳам бўлмаган бу юрт бугун дунёдаги "Боғ ичидаги шаҳар" номини олган энг тоза ва яшил мамлакатга айланди. Хўш, улар бу мўъжизага қандай эришди? Давлат асосчиси Ли Куан Ю иқтисодий ислоҳотларни осмонўпар бинолар қуришдан эмас, бевосита дарахт экишдан, атроф-муҳитни тозалашдан бошлади. Ўн йил давомида энг ифлос ва ҳаёт сўнган Сингапур дарёси тинимсиз меҳнат эвазига тозаланиб, тиниқ оби ҳаёт манбаига айлантирилди. Бироқ энг асосий ютуқ фақатгина қатъий қонунлар ёки катта жарималар билан ўлчанмайди. Улар, энг аввало, миллатнинг онгини, экологик маданиятини тарбиялади, юксалтирди. Боғча боладан то давлат раҳбарларигача ҳар бир дарахт япроғини, ҳар бир қарич ерни авайлаб-асрашни ўрганди. Бугун Сингапурда ҳатто бетондан тикланган осмонўпар биноларнинг деворларию томларида ҳам ям-яшил боғлар барқ уриб, яшнаб турибди. Табиатни асраш давлат мажбуриятидан бутун миллатнинг ҳаётий заруратига, буюк тафаккур инқилобига айланди.





Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши раиси ўринбосари

ҲАР ҚАРИЧ ТУПРОҚ – МУҚАДДАС

Бугунги Янги Ўзбекистон ана шундай илғор глобал тажрибани ўзининг қон-қонига сингган миллий қадриятлари билан уйғунлаштирмоқда. Энди экологик маданият баланд минбарлардан айтиладиган қуруқ даъват эмас. У чинакам умуммиллий ҳаракатга, ҳар бир инсоннинг ички эҳтиёжига айланиб бормоқда. 2023 йилда халқимиз овози билан қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституциямизда илк бор "экологик ҳуқуқ" тушунчаси қатъий белгилаб қўйилди.

Амалий натижалар ҳам шунга ҳамоҳанг. Оролнинг қуриган тубида сўнгги беш йилнинг ўзида қарийб 2 миллион гектар майдонда "яшил қоплама"лар барпо этилди. Тасаввур қиляпсизми, ўттиз йилда орзудек кўринган иш беш йил ичида амалга оширилди! Давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси билан дарахтларни кесишга муддатсиз мораторий эълон қилиниши, "Яшил макон" умуммиллий ҳаракати доирасида ҳар йили миллионлаб туп ниҳол қадаш анъанаси бутун миллатнинг яшил тафаккурини уйғотиб юборди.

Энг ҳайратланарли натижалар энергетика соҳасида юз берди. Яқин ўтмишда луғатимизда ҳам мутлақо бўлмаган, кўрсаткичи нолга тенг бўлган "яшил" энергетика қувватларимиз бугун ақл бовар қилмас даражада ўсди. Биргина 2026 йил бошидан буён қуёш ва шамол электр станциялари томонидан ишлаб чиқарилган электр энергияси ҳажми 6 миллиард кВт/соатга етди. Бу бир қарашда чиройли рақамларга ўхшаб кўринади. Аслида, бу миллионлаб куб метр тежаб қолинган табиий бойлик, атмосферага чиқарилишининг олди олинган юз минглаб тонна заҳарли тутун демакдир.

Бу улкан ўзгаришларнинг илдизини мустаҳкамлаш, уни ортга қайтмас жараёнга айлантириш мақсадида 2025 йилда тарихий ҳужжат – 2030 йилгача бўлган даврда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш концепцияси тасдиқланди. Унга кўра, эртамиз эгалари бўлган 3,3 миллион нафар боғча болалари ва 4,2 миллион нафар мактаб ўқувчиларининг покиза қалбига табиатга меҳр уруғлари қадалмоқда. Демак, биз бугун фақатгина заводлар қуриб, иқтисодиётни ўстирмаяпмиз. Биз табиатни ўз жонидан ортиқ суядиган, соғлом ва экологик тоза фикрлайдиган бутун бошли янги авлодни – келажакнинг ҳақиқий ворисларини тарбиялаяпмиз!

Экология йўналишида қабул қилинган қарорларимизнинг энг катта ютуғи нимада, биласизми? Қонун ва фармонлар қоғозларда қолиб кетмаяпти. Одамлар бу ўзгаришларнинг нафасини ўз вужудида, кундалик ҳаётида бевосита ҳис қилмоқда.

Яқин ўтмишимизни эслайлик: шаҳарларимизнинг "ўпкаси" бўғилган, кекса чинорлар шафқатсиз бетон ва асфальт исканжасида жон таслим қилаётган эди. Оилавий сайр қилиш у ёқда турсин, жазирамада жон сақлашга бир қарич соя-салқин жой топилмай қолганди. Ана шундай дим ва оғир паллада пойтахтимиз яқинида юзлаб гектар тошлоқ майдонда мўъжиза янглиғ қад ростлаган муҳташам "Янги Ўзбекистон" боғи чинакам нажотга айланди. Бундай яшил уйғониш фақатгина пойтахт билан чекланиб қолмади. Бугун республикамизнинг барча вилоят марказларига туташ ҳудудларда улкан дендрология боғлари, минглаб гектар майдонларни эгаллаган янги яшил жамоат парклари яратилмоқда. Бир пайтлар ташландиқ, чанг кўтарилиб ётадиган ерларда бугун ноёб манзарали дарахтлар бўй чўзмоқда. Шаҳарларимиз атрофида ҳалқа шаклида барпо этилаётган "яшил белбоғлар" эса тобора авж олаётган глобал иқлим ўзгаришлари, қум ва чанг бўронларининг йўлини тўсиб турувчи, миллат саломатлигини асровчи чинакам табиий қалқонга айланди.

Бугун ўттиз беш йиллик тарихий довонда турибмиз. Қад ростлаётган янги бинолар, очилаётган заводлару қурилаётган мактаблар халқимиз фаровонлиги учун хизмат қилади, албатта. Аммо фаровонлик фақат иқтисодий ўсиш билан ўлчанмайди. Агар нафас олишга мусаффо ҳаво, ичишга тоза сув, сайр қилишга яшил боғларимиз қолмаса, ҳар қандай бойлик ўз қадрини йўқотади. Вақт карвони шиддат билан ўтиб бораверади. Орадан яна ўттиз беш йил ўтади. Биздан кейинги авлод биз қурган бинoларга қараб эмас, биз қолдирган мусаффо ҳавога, биз асраган табиатга қараб баҳо беради.



ОТАЮРТДАН

Бошланиши 1-саҳифада.

Эсон-омон қўнгач, қайтиб оламиз!” – дея зорланганимизни кўринг. Бечоралар мактабда анча юрак олдириб қўйган, шекилли, китобни кўрса, тепа сочи тикка-тикка бўлиб, бурун жийириб ўтди. Тағин оломон оралаб ўтган-кетганга гадойдек шумшайиб “Биттагина китоб олинг!” дея эланамиз. Энди ҳалигиларни кўринг, худди чақиб оладигандек, гўё бирор дарди бедаво юқадигандек, ўзларини икки фарсанг нари олиб, етти маҳалла нари қочишди. Бир томони хавфсизлик нуқтаи назаридан уларни ҳам тушунгим келади. Лекин... Ташлаб кетай десанг, увол... Ўзи шунинг учун кетаётган бўлсак. Кинода айтилганидек, “Ҳа, ўнта қўй нима бўларди...”

Бундан бир иш чиқмаслигини чамалаб, яна тарозибонга мўлтайдик. Етмаганига зўрлик қиламиз ҳам: “Бу жонивор китоб бўлса, нимаси ортиқча? Илмнинг оғир-енгили бўларканми? Анави йўловчи нақд икки юз кило чиқиши аниқ. Иккимизни қўшиб ҳисобласангиз, калла-пойча аралаш юз йигирма тош босамизми-йўқ, Худо билади. Ўлсин энди, тўртта китоб солинган қопчиқ йигирма кило бўлса...” Хуллас, у дедик, бу дедик, ҳар қалай, китобларни текинга ўтказиб олдик. Басавлат бир амакининг биқини томонда амал-тақал қилиб жойлашгач, камарни боғладик, ҳавога кўтарилдик.

ЕВРОПАДАГИ ИЛК ТАҚДИМОТИМИЗ

Бир замонлар фаранг императўри бўлган Наполеон Бонапартга нисбат бериладирған бир калом бор: “Агар бутун дунё бир давлат бўлса, анинг пойтахти Константинополь бўлур эрди”. Бу сўзни у қачон ва қай ҳолда айтгани бизга маълум эмас. Аммо бир ҳақиқат борким, Наполеон бу шаҳарни биз каби учоқ ойнасидин томоша қилиш бахтига ҳаргиз муяссар бўлмаган. Вой-бў... Қуйида Оврўпо ва Осиёни нақд иккига бўлиб турган афсонавий Босфор кўринди! Бўғоз бағридаги улкан пўлат кемалар китлардек сокин сузиб бормоқда. Улар сув юзини тилиб ўтаркан, ортларидан кўпикли из қолдиради. Кема парракларининг сув остидаги шиддатли ҳаракати сув қаърининг тинчини бузади. Бу кучли босимдан карахт бўлган майда жонзотлар саросима ичра туйқус юзага қалқиб чиқади. Шу фурсатни пойлаб учган чағалайлар шўрлик ўлжаларини осонгина тутиб, лаққа-лаққа ютади.

Ҳа-а, олтинсоч шоирлардан бири “Мен Босфорда бўлмаганман ҳеч...” дея ўксиниб куйганича бор. Шаҳарнинг бир томонини Мармар денгизи, бир ёнини Қора денгиз ювиб туради. Бу макон қадимда Византий, кейин Константинополь, ниҳоят, Истанбул бўлди. Ҳар девор, ҳар тош, ҳар бинода бир тарих. Аё Софияни кўрдик. Биноси азим. Гумбази улкан. Аввал калисо, кейин жоме, бир муддат музей, бугун яна масжид бўлган. Яқинида Султон Аҳмад жомеси-да бор. Уни турклар қадимгиларга баҳс ўлароқ тиклаган. Кошинлари бисёр мовий. Галата минораси ҳам қадим шаҳарнинг машҳур ёдгорлигидур. Аллазамондан қолмиш бу миноргa чиққан кишига Истанбулнинг сурати кафтдек намоён бўлур. Гумбазлар, минорлар, қизил томлар, кўприклар...

“Буюринг, эфендим!” дея тавозе қиладиган тужжорлари бисёр. Кўчада ўриндиқ қўйиб, мўйлабини бардоққа босган, бир қўлида тасбеҳни айлантирадиган чойхўрлари-да кўп ва хўп. Истанбулнинг кўча таоми ҳам ўзига яраша. Иссиқ симит сотарлар. Усти кунжутга тўла. Дўнер, яъни, бироз куйган эт ҳиди кўчани ишғол айлаган. Пахлавасидан асал ўлгур чакиллаб томиб туради. Майизли, пистали, ширинданширин... Бир қўлингда симит, бирида туркча қаҳва, икки кўзинг Босфорда, э-ҳе, бундан ортиқ маза бормикан?

Маданияти ҳам серқирра. Бир кўчанинг ўзида ҳам масжид, ҳам калисо, ҳам синагоҳ қад кўтарган бўлса, улардан бироз нарида деворга суянганча сигар тутатиб, ғалати илжайиб, кавуш қайтараётган ножинслар-да топилур... Метро тўла, автобус, метробус, фуникулёр – ҳаммаси лиқ тўла. Кўчалар тирбанд. Турли тиллардаги тинимсиз гап-сўзлар, осмонўпар кулгулар, паромларнинг бўғиқ овози, туркча ва арабча куйлар, трамвай ҳамда машина сигналлари, музқаймоқ сотувчисининг чақириқлари, ишқилиб, шовқиндан-шовқин... Аммо кўнгилга хуш ёқадиган алланечук сокинлиги бор... Бизнинг тақдимот эса шаҳарнинг Европа қитъасида жойлашган томонида бўлиб ўтаркан. Демак, ўтган-кетганга “Китобимиз Европада ҳам ўқилади!” деб бемалол мақтансак бўлади.

“КЕЛДИ ОЧИЛУР ЧОҒИНГ...”

Истанбулдаги тақдимот “Туркистон эллари” таълим, маданият ва ўзаро ёрдам жамияти бошқарув кенгаши раиси Ҳошим Ҳамдам бошчилигида ташкил этилди. Бошдан-оёқ миллий ўзликка йўғрилган бу кишининг босиб ўтган йўлини қаламга олсак, бир китоб бўлар... Уни, аввало, “Бу кимнинг тили?” деб номланган машҳур шеъри орқали яхши танишади. Эсингизда бўлса, бундан бир неча йил аввал Табассум Жасур исмли қизча ушбу шеърни тўлқинланиб ўқиган ва тармоқда машҳур бўлган эди. Шеърда Маҳмуд Кошғарий, Амир Темур, Алишер Навоий, Мирзо Бобур каби буюк боболаримиз юксак ҳурмат ва фахр билан ёдга олинади. Муаллифнинг фикрича, ушбу шеърда замонавий ўзбек адабиётининг буюк шоирларидан бири Эркин Воҳидов ижоди, айниқса, “Ўзбегим” қасидасининг таъсири кучли сезилади. Ҳошим афанди бир муддат Тошкентда яшагач, Туркиянинг Анқара шаҳрига кўчиб ўтган ва маданий фаолиятини давом эттирган.

Хуллас, у киши бизга бутун сафар давомида йўлчи юлдуз бўлди. Кейин билсак, барча донгдор дарвозаларнинг калити унинг чўнтагида экан.

Ҳол-аҳвол сўрашиб, тақдимот бўладиган жойга юзландик...

МАДАНИЯТ МАҲАЛЛАСИ

Истанбулнинг Зейтинбурну туманидаги тарихий Тўпқопи маданият боғига кириб борарканмиз, бизни бутунлай бошқа бир олам кутиб олди. Бу ерда “Туркий дунё маданияти маҳалласи” (Türk Dünyası Kültür Mahallesi) жойлашган экан. Унга 2009 йилда асос солинган, қарийб ўн минг квадрат метрлик улкан майдонни эгаллаган. Киришимиз биланоқ Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Ўзбекистон, Шимолий Кипр, Татаристон ва Бошқирдистон каби саккиз қардош ўлканинг миллий уйлари елкадош бўлиб қад ростлаганини кўрдик. Ҳар бир ёғоч уйнинг пештоқида ўша давлатнинг миллий байроғи ҳилпираб турибди. Шундоққина дарвоза ёнида VI-VIII асрларга оид машҳур Култегин ва Билга хоқон тошбитикларининг ўз ўлчамидаги макетлари ўрнатилган. Қадимий туркий ёзувларни ўз кўзимиз билан кўриб, аждодларимизнинг шонли ўтмишини ҳис қилдик. Бироз юриб, ҳақиқий кигиз ва теридан тикилган, қурилишида бирорта мих ишлатилмайдиган қозоқ ва қирғиз ўтовларига кирдик. У ердаги қадимий бешиклар, эгар-жабдуқлар, теридан қилинган идишлар кишини тўлқинлантиради.

Шунингдек, майдонда Бокунинг “Қиз қалъаси” ва Қирғизистондаги XI асрга оид “Бурана минораси”нинг кичиклаштирилган меъморий нусхаларини кўриб қувондик. Мажмуанинг энг рамзий нуқтаси – улуғ мутафаккиримиз Хўжа Аҳмад Яссавийнинг Туркистондаги мақбараси макети ва у зотнинг сукунатга бой ҳаётига бағишланган рамзий ўтови бўлди.

Табиийки, бизга ажратилган ҳудуднинг ҳозирги ҳолати сизни қизиқтиряпти. Борганимизда, у ерда Ўзбекистоннинг Истанбулдаги бош консули Шерзод Абдуназаров, Ўзбекистон маданият, бирдамлик ва ҳамкорлик жамияти раҳбари Чўқай Кўчар ва икки нафар дизайнер қиз юрганди. Саломлашиб, гапларига қулоқ тутдик. Тўғри, маданий қиёфамизни ўзида акс эттириши керак бўлган ушбу мўъжаз уйда ўзига яраша миллий ашёларимиз бор. Масалан, деворларни безаб турган Самарқанд, Хива, Бухоро суратлари ва Сурхондарёнинг ранг-баранг сўзаналари, Марғилон атласи, Бухоронинг зардўзлик тўнлари ва қўл меҳнати билан яратилган миллий чолғуларимиз – дутор, танбур, найларни кўриб, дилимиз равшан тортди. Лекин, бизнингча, бу кам, ҳатто жуда кам... Биз борганда айни шу камомадни камол топтиришнинг истиқболли режаси ва муҳандислик чизмасини тузиш билан банд бўлиб туришган экан.

МАҲАЛЛА РАИСИ КИМ?

Август ойининг бошлари, ташқарида дим ва ниҳоятда иссиқ ҳаво ҳукмрон. Бизни ўтов шаклида ишланган, шинам, ойнаванд хонага бошлашди. Миллий тусдаги бу замонавий офис деворларига темурийлар даври меъморчилигига хос нақшлар, хусусан, мусамман акс эттирилганди ва бу бизни ғурурлантирди, албатта. Чунки бу раҳбарнинг хонаси!

Ичкарига киришимиз билан нафис нақшлар билан безатилган анъанавий қирғиз намати – кийизини кўрдик. Деворлардаги ҳар бир ашё туркий халқларнинг бой меросидан намуна эди. Бир томонда қадимий совут ва қалқонлар турган бўлса, иккинчи томонда ипак гиламлар ва нақшинкор сопол идишлар кўзга ташланарди. Хона ичи анча салқин бўлиб, ташқаридаги жазирама иссиқдан сўнг инсонга чинакам роҳат бағишларди.

“Туркий дунё маданияти маҳалласи” раҳбари Абдулметин Кескин бизни очиқ чеҳра билан кутиб олди. У туркий давлатларнинг кичик миллий байроқлари қатор қилиб териб қўйилган иш столи томон таклиф қилиб, ўтиришга жой кўрсатди. Суҳбат асносида ўзини таништирар экан, асли Помир қирғизларидан эканини айтди.

Бу ўринда қисқача тарихий тушунтириш бериб ўтиш жоиз. Аслида, “Помир халқлари” деганда, Тожикистоннинг Тоғли Бадахшон вилояти, Хитойнинг Шинжон-Қашқар ҳудуди ҳамда Афғонистоннинг шимолишарқий қисмларида яшовчи, асосан, помир тилларида сўзлашувчи қадимий эллар тушунилади. Аммо бу баланд тоғ тизмаларида қирғизлар нима қилиб юрибди, деган ҳақли савол туғилади. Гап шундаки, XIX аср охири ва XX аср бошларида Чор Россиясининг босқинчилик сиёсати ва тазйиқларидан қочган бир гуруҳ Фарғона ва Олой қирғизлари Помир тоғлари бағрига, хусусан, Афғонистоннинг баланд ва иқлими ниҳоятда совуқ Вахон водийси, Улуғ ва Кичик Помирга бориб ўрнашган эди. Улар Раҳмонқул хон бошчилигида ўзларининг анъанавий кўчманчи турмуш тарзини сақлаб, узоқ йиллар давомида деярли мутлақ қамал – изоляцияда яшадилар.

Бироқ 1978 йилда Афғонистонда Савр инқилоби юз бериб, мамлакатда коммунистик режим ўрнатилгач, уруш гирдоби ва сиёсий таъқиблардан хавфсираган қирғизлар Раҳмонқул хон раҳнамолигида Помирни тарк этиб, Покистон орқали қочишга мажбур бўлдилар. Иссиқ иқлим ва санитария шароити оғир бўлган қочқинлар лагерларида тоғ ҳавосига мослашган бу халқ жуда катта талофатларга учради. Охир-оқибат, 1982 йилда Туркия ҳукумати уларга бошпана бериб, расман муҳожир сифатида қабул қилди. Ҳукумат уларга Ван вилоятининг Эркиш туманидан ер ажратиб, шу ерда “Улупомир” қишлоғини барпо этди. Мана шу тариқа тарих солномаларида “Ван қирғизлари” номи билан танилган, ўз маданияти ва тилини нисбатан соф ҳолда сақлаб қолган ўзига хос бир жамоа Туркия бағридан қўним топди.

Қаршимизда турган Абдулметин акамиз айнан ана шундай мураккаб, машаққатли ва айни пайтда матонат талаб қилган тарихий кўчишларни бошидан кечирган мағрур халқнинг фарзанди эди. Унинг ҳар бир сўзида миллий қадриятларга бўлган чексиз садоқат, Помир тоғларининг маҳобати ва бутун Турк оламига бўлган юксак муҳаббат яққол сезилиб турарди. Суҳбатдошимизнинг айтишича, таниқли қирғиз олими, фольклоршунос ва этнограф профессор Сулаймон Кайипов Туркияга кўчиб келган Помир қирғизлари орасига бориб, улар билан нақ ўн йил бирга яшайди. Замонавий маданиятдан узилган, деб ўйланган бу жамоа бағрида бошқа ҳеч бир жуғрофий ҳудудда сақланиб қолмаган қадимий туркий мақоллар, унутилган ноёб иборалар ва энг қимматли этно-фольклор қўшиқлар худди минг йил аввалгидек тоза ҳолатда сақланган эди. Олим йиллар давомида уларнинг оғзидан эшитган ҳар бир сўзни тасмаларга муҳрлайди ва якунда уларни “Туркияда яшаётган Помир қирғизларининг мақол ва лапарлари” номли муҳташам китоб ҳолига келтиради. Энг ҳайратланарлиси, ҳозирги Қирғизистон давлати айнан Сулаймон Кайиповнинг мана шу ноёб асарларини қирғиз халқи маданияти ва тил тарихининг энг бош пойдевори ҳамда соф асоси сифатида қабул қилган.

Бизнингча, ҳали-ҳануз юртимизнинг чекка қишлоқларида, қўшни давлатларда, айниқса, бориш қийин бўлган тоғли ва саҳро ҳудудларда соф ўзбек тилининг нодир сўзлари, унутилаётган маталлар, лапарлар, иборалар ва шунга ўхшаш ноёб номоддий маданий мерос парчалари сақланиб келмоқда. Бироқ уларни вақт шафқатсизларча ютиб юбормасидан аввал қоғозга тушириш, тасмаларга муҳрлаш учун бугун бизга “мингта Фирдавсий керак”.

Тилнинг асл жозибаси инсоннинг ички кечинмаларида намоён бўлади. Аввало, қирғиз профессори Сулаймон Кайипов Помир тоғликлари билан нега нақ ўн йил давомида битта ўтовда бирга яшаган, деб ўйлайсиз? Тилнинг ижтимоий ва руҳий қатламларини фақатгина шундай яшаш орқали кашф этиш мумкин. Улар жаҳли чиқса, қандай сўзлар билан ғазабини совутади? Қайси вазиятда, қандай иборалар билан сўкинади? Оёғига тўсатдан оғир буюм тушиб кетса, оғзидан қайси сўз отилиб чиқади? Ҳайратдан ҳапқириб кетганда ёки яқин қардошини йўқотганда қандай йиғи-сиғи қилади, қандай овунади? Мана шу инсоний ва жонли лаҳзаларни тарихга муҳрлаш учун ҳам бизга ҳозир элкезар, зийрак ва фидойи тилшунослар, фольклоршунос-этнографлар сув ва ҳаводек зарур.

Зеро, бугунги кунда ўзбеклар фақатгина Ўзбекистон ичида яшамайди. Туркий тиллар жуғрофияси ва кўчишлар тарихини ўрганган олимларнинг маълумотларига кўра, соф ўзбек шевалари ва қадимий маданий қатламлар Жанубий Қозоғистон (Чимкент, Туркистон воҳаси), Ғарбий Қирғизистон (Ўш, Жалолобод, Боткен), Шимолий Афғонистон (Мозори Шариф, Маймана, Қундуз), Ғарбий ва Жанубий Тожикистон (Хатлон, Сўғд вилоятлари, Помир атрофи) ҳудудларида, ҳатто тарих бўронлари билан Покистон (Пешовар) ва Туркияга (Ҳатай, Истанбул) бориб жойлашган ватандошларимиз орасида ҳамон тирик. Улар яшаётган иқлим ва муҳит тилни ташқи таъсирлардан маълум маънода ҳимоялаб, унда қадимий туркий илдизларни сақлаб келмоқда. Агар биз бугун экспедициялар ташкил қилиб, бу улкан ҳудуддаги тил хазинасини йиғмасак, глобаллашув даврида бебаҳо меросни бир умрга йўқотиб қўйишимиз ҳеч гап эмас.

КИТОБ ТАНИТИМИ

8 август куни “Туркий дунё маданияти маҳалласи”да “Ҳиротга, бобомнинг ҳузурига!” китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. “Турк дунёсининг умумий мероси: Алишер Навоий ва Ҳирот хотиралари” мавзусида ташкил этилган маънавий-маърифий учрашув адабиёт, тарих ва миллий хотира масалалари атрофида фикр алмашилган муҳим маданий тадбирлардан бири бўлди.

Учрашувни “Туркистон эллари” жамияти раҳбари Ҳошим Ҳамдам олиб борди ва унда Ўзбекистоннинг Истанбулдаги Бош консули Шерзод Абдуназаров, таниқли олим ва жамоат арбоби Темур Хўжа ўғли, Баҳром Ирзаев, Зиё Қайсарий, доктор Аҳмад Жовид Туркўғли, Абдулла Атойи, Нурали Қаҳрамон, Аҳмад Ўзбек, Азиз Элсевер, Нур Аҳмад Юртдош, Шугуфа Урганч, “Туркий дунё маданияти маҳалласи” раҳбари Абдулметин Кескин, Ўзбекистон маданият, бирдамлик ва ҳамкорлик жамияти раҳбари Чўқай Кўчар ва бошқа олимлар, ижодкорлар ҳамда жамоат фаоллари иштирок этди. Озарбайжон, Афғонистон, Сурия, Ироқ ва бошқа давлатлардан келган жамоат ва маданий ташкилотлар вакиллари ҳам ташриф буюрди. Турли мамлакат вакилларининг бир даврада жам бўлиши тадбирнинг туркий халқларнинг умумий тарихий хотираси ва маданий алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган мулоқот эканини кўрсатди.

Тадбир давомида Алишер Навоий мероси, Ҳиротнинг туркий адабий ва маданий тарихидаги ўрни, Абу Райҳон Беруний, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб каби буюк аждодларимизнинг илмий ва адабий мероси ҳақида фикрлар билдирилди. Олим ва жамоат арбоби Темур Хўжа ўғлининг тарих, миллий ўзлик ва жадидлар мероси ҳақидаги фикрлари тадбир мазмунини бойитди. Тарихчи Баҳром Ирзаев эса умумий меросни ўрганиш ва уни кейинги авлодларга етказиш заруратини таъкидлади. Зиё Қайсарий, доктор Аҳмад Жовид Туркўғли ва бошқа иштирокчиларнинг мулоҳазалари китобда кўтарилган тарихий ва ижтимоий масалаларни янада кенгроқ муҳокама қилиш имконини берди.

Тадбирда китоб тақдимоти билан бир қаторда, янги адабий ва маърифий нашрларни кенг тарғиб қилишга ҳам эътибор қаратилди. “Жадид кутубхонаси” рукнида нашр этилган “Миллат фидойилари”, “Ботмасин чиққан қуёш”, “Тилда, фикрда, ишда бирлик!” каби китоблар ва “Jadid” газетасининг айрим сонлари иштирокчиларга тақдим этилди. Шунингдек, “Ёшлик”, “Боболар изидан Олтойга” ва “Боболар изидан Озарбайжонга” журналлари ҳам ўқувчиларга етказилди.

Ташкилотчиларнинг айтишича, бу маскан Истанбулдаги ўзбеклар учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик байрами муносабати билан ўтказиладиган маданий тадбирлар ҳам шу ердаги амфитеатрда ташкил этиб келинади. Демак, Тўпқопидаги ушбу маскан турк дунёсининг маданий меросини намойиш этувчи майдон бўлибгина қолмай, хориждаги ўзбекларнинг миллий байрамлари, маданий учрашувлари ва маърифий тадбирлари ўтадиган муҳим манзиллардан бири ҳисобланади.

Биз учун учрашув китобнинг навбатдаги тақдимотидан кўра кенгроқ маъно касб этди, у Ҳиротдан бошланган маънавий сафарнинг давоми бўлди, десак-да, айни ҳақиқатдир.

ТИРИК ТАРИХ БИЛАН СУҲБАТ

Истанбулдаги ушбу муҳташам тақдимотдан атиги бир кун аввал тарих бизни яна бир таниқли сиймо билан юзма-юз келтирди. Биз аслинасли ўзбек бўлган, жаҳон миқёсидаги машҳур олим, профессор Темур Хўжа ўғли билан учрашдик. У киши ва юртимиздан бирга борган миллатсевар тарихчи олим Баҳром Ирзаев ҳамроҳлигида ғоят мароқли ва таъсирли бир суҳбат кечди.

Тасаввур қиляпсизми, қаршимизда турган бу нуроний зот – Бухоро Халқ Совет Республикасининг биринчи Президенти, улуғ жадид раҳнамоси Усмонхўжа Пўлатхўжаевнинг фарзанди эди. Айни пайтда Темур Хўжа ўғли АҚШнинг нуфузли Колумбия университетида докторлик унвонини олган ва узоқ йиллар Мичиган ҳамда Туркия олийгоҳларида дарс берган илк ўзбек олими сифатида дунё илм-фанида ҳам алоҳида мавқега эга. У ўз умрини Туркистон тарихи ва жадидлар меросини дунёга танитишга бағишлаган тирик қомусдир. Ишлари тиғиз бўлишига қарамай, биз билан соатлаб миллат дарди, аждодлар армони ва ўтмиш сабоқлари ҳақида гурунглашганидан бошимиз кўкка етди. Очиғи, бу мулоқот юракни титратадиган тарихий драманинг жонли намойиши эди. Биз устознинг ҳар бир сўзи, қарашлари, армонли боқишлари, титроқ овозлари ва ишораларини тасмаларга муҳрлаб олдик. Бу хотиралар яқин кунларда алоҳида бир катта мақола, яхлит бир кўрсатув бўлиши, шубҳасиз.

Суҳбатда олим Бухоро жадидларининг раҳнамоларидан бўлмиш Усмонхўжа Пўлатхўжаевнинг советлар таъқибидан қочиб, Афғонистон, Помир тоғлари ва Покистон оралиғидаги музликларда кечган аччиқ қисмати ҳақида сўзлаб берди. Шунингдек, сиёсий ўйинлар қурбонига айланиб, аслида, отасини ўлдириш учун ёлланган ўз жигарбандини таниб қолган ва уни бир бор бўлсин бағрига боса олмаган шўрлик отанинг изтиробли дақиқаларини кўзда ёш билан ҳикоя қилди. Айниқса, Бухоро олий ҳукуматининг қимматли архивлари ва миллат хотираси бўлган, лекин Туркияга кўчиш жараёнида Мармар денгизи тубига чўкиб кетган минглаб нодир китоблар фожиасини эшитганимизда, дақшатдан бир сесканиб олдик.

Муҳожирликнинг сўнгги заҳматли кунлари, умид ва армонлар тўқнашган ушбу ҳаётий драма асосида Темур Хўжа ўғли янги тарихий роман ёзаётганини маълум қилди. Мазкур самимий мулоҳазалар ва миллат кўзёшлари муҳрланган мақоламизни тез орада ўқувчилар эътиборига ҳавола этишдан умидвормиз.

“ОЛИНГ-ОЛИНГ, КЕЛИНГ-КЕЛИНГ”

Кейинги манзилимиз Ўзбекистон маданият, бирдамлик ва ҳамкорлик жамияти биноси бўлди. Эшик тепасида Ўзбекистон ва Туркия байроқлари ҳилпираб турибди. Лифтга кирганда учинчи қават белгиси ёнида байроғимизни кўриб севиндик. Жамиятда миллий қадриятларимизга алоқадор деярли барча нарса бор. Бу ер Истанбулда ўзбек маданияти, миллий қадриятлари ва тарихий меросини тарғиб қилиш билан шуғулланаётган жамоат ташкилотларидан бири ҳисобланади. Унинг раҳбари Чўқай Кўчар Туркияда яшовчи ўзбеклар ва



Худо давлат қуёшини турклар буржида яратди. Фалакни ҳам шулар мулкига мослаб айлантирди. Уларни турк деб атади, мулкка эга қилди, уларни замонамизнинг хоқонлари қилиб кўтарди. Замон аҳлининг ихтиёр жиловини шулар қўлига топширди, халққа бош қилди... Буларга яқин бўлиш учун энг асосий йўл – уларнинг тилларида сўзлашишдир...

Махмуд КОШҒАРИЙ

ОНАДЎЛИГА

Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган фаолияти билан танилган. У Адана шаҳрида туғилган, келиб чиқиши марғилонлик ўзбек оиласига бориб тақалади.

Жамият 2022 йил март ойида ташкил этилган. Қисқа вақт ичида у Истанбулдаги ўзбек маданиятига бағишланган тадбирларда фаол иштирок эта бошлади. Хусусан, ўзбек санъати, адабиёти, миллий таомлари ва анъаналарини кенг жамоатчиликка намойиш этишга қаратилган маданий кечаларда жамият ва унинг раҳбари мунтазам иштирок этган. Миллий либосларимиз ва анъанавий чолғуларимиз билан безатилган деворларда Шерали Жўраев, Насиба Абдуллаева, Тожибар Азизова сингари ўзбек санъати вакиллари суратини кўриб, қалбимизда фахр ва қувонч уйғонди.

Жамият вакиллари 2023 йил 6 февралда Туркиянинг Қаҳрамонмараш вилояти марказида содир бўлган кучли зилзилалардан кейин ҳудуддаги қутқарув ва гуманитар ёрдам ишларида ҳам фаол иштирок этган. Улар зилзиладан жабрланган ҳудудларда истиқомат қилувчи ўзбеклардан хабар олиб, уларга амалий кўмак кўрсатган, Ўзбекистондан юборилган қутқарувчиларнинг фаолиятига ҳам ёрдам берган. Кейинчалик зилзила оқибатларини бартараф этиш жараёнида янги мактаблар ва турар жойлар барпо этилиши билан боғлиқ ишларга ҳам ҳисса қўшган.

Бу ердан чиққач, Чўқай оға бизни Истанбулнинг бутунлай бошқа, шинамгина гўшасига бошлаб борди. Бир эшикни аста тақиллатди. Бизни ухлаганда “тиш”ини пиёлага солиб қўядиган икки муштипар онахон очиқ чеҳра билан кутиб олди. Билсак, Чўқай оғанинг туғишган опалари экан. Исмларининг ажойиблигини қаранг, бири Юлдуз, бири Фарғона... Суҳбат қизигандан қизиди. Улар бизга бирбиридан таъсирли, юракни сел қиладиган хотираларини сўзлаб беришди. Алқисса, бу кичик хонада Ватаннинг қадри, Истиқлол ва Мустақиллик деб аталмиш улуғ неъматнинг қанчалик бебаҳо экани ҳақида дунёни юм-юм йиғлатадиган гаплар айтилди. Муҳожирлик заҳматини чеккан бу онахонларнинг тилидан тўкилган ҳар бир ибора, луғатларда топилмас тоза сўзлар, ўзбекона гўзал айтимлар биз учун чинакам кашфиёт бўлди. Фарғона исмли онамиз ҳеч қачон Ўзбекистонда бўлмаган. Исмини отаси қўйган. Азбаройи Марғилонни соғинганидан қизига шундай исм қўйган. “Агар бугун Ўзбекистон учун жонингни берасанми, дейишса, ҳеч иккиланмасдан берардим!” дейди Фарғона ая...

Табиийки, ўзбеклар дастурхон атрофида жам бўлса, бир-бирига “олинг-олинг, келинг-келинг”, дея меҳмоннавозлик кўрсатади. Ушбу сўзлардан юраги ҳапқириб, ўтмишни эслаган Юлдуз аянинг кўзларига ёш келди: “Отам раҳматлининг бир гапи бўларди. “Олинг-олинг, келинг-келинг” деб, Ватанни ҳам ёвларга қўшқўллаб топшириб қўйганмиз...” Шукурки, қайтиб олдик! Мустақиллигимиз абадий бўлсин! Биласизми, Ўзбекистон жумҳурияти мустақиллик эълон қилганида, мен ўзим аёл бошим билан иккита қўй сўйиб, бева-бечорага тарқатганман. Бутун маҳалла кўчага чиқиб байрам қилганимиз ҳали-ҳали эсимда...”

МИЛЛАТ КУТУБХОНАСИГА ҲАДЯ

Эртаси куни тонгда Анқарага жўнадик. Шаҳар марказига яқинлашарканмиз, бизга узоқдан кўзга ташланиб турган муҳташам ва маҳобатли биноларни кўрсатиб, бу Туркия Жумҳурияти Президентлик мажмуаси, яъни, машҳур Бештепе эканлигини айтишди. Унинг ҳудудида жойлашган, ушбу қароргоҳ билан узвий бир бутунликни ташкил этувчи дунёдаги энг йирик маърифат масканларидан бири – Миллат кутубхонаси дарвозасига яқинлашган ҳам эдикки... бирдан осмонни тутиб қарса-қаср милтиқлар ва замбараклар овози янгради! Тўсатдан бир чўчиб тушганимизни кўрган ҳамроҳларимиз кулимсираб, хавотирга ўрин йўқлигини, Президентлик қароргоҳининг бош майдонида олий мартабали хорижлик меҳмон тантанали, расмий протокол асосида – 21 палла тўп отиш маросими билан кутиб олинаётганини тушунтиришди. Бу тўплар бизнинг шарафимизга отилаётгандек ҳис этиб, кутубхона сари одимладик. Аслида, бу тарихий учрашув доирасида Анқарага келган олий мартабали меҳмон – АҚШ Президенти Дональд Трамп эди. Ўша лаҳзада биз Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ва НАТО доирасидаги энг йирик сиёсий музокаралар кечаётган халқаро шов-шувлар марказининг қоқ ўртасида турганимизни билмасдик, албатта. Чунки биз ушбу муаззам билим масканига фахрли юмуш билан келган эдик.

Ҳошим Ҳамдамнинг ёзма илтимосномасига кўра, бизни Туркия Президентлик кутубхоналар департаменти бошлиғи Айҳан Туғлу жаноблари ҳурмат ва самимият билан кутиб олди. У ёзувга кўзимиз тушиб, бениҳоя қувондик.

Бинода бизни умумтурк бирдамлиги йўлида фидокорона хизмат қилаётган жонкуяр инсонлар – ТУРКСОЙ Бош котиби ўринбосари Сайит Юсуф, ташкилотнинг Музейлар иттифоқи координатори, доктор Жавид Бариш Мовсумли ҳамда ташкилотнинг Ўзбекистон бўйича бош мутахассиси Авазхон Умархонов ўзбекона самимият билан кутиб олишди. Биз уларга янги чоп этилган китобимизни тақдим этдик. Совғамизни юксак эҳтиром билан қабул қилишди. Сўнгра ташкилотнинг кенг ва ноёб кутубхонаси, маданий бўлимлари ҳамда истиқболдаги буюк мақсад-вазифалари билан яқиндан танишдик.



кишига “Jadid” газетаси таҳририяти томонидан бериб юборилган китобларни тақдим этдик. “Jadid” кутубхонаси” рукнида чоп этилган китоблар, газета ва журналларнинг бир неча сонларини қабул қилиб олган Айҳан Туғлу самимий миннатдорлик билдирди.

Маълумот учун: Туркиядаги энг улкан маърифат маскани ҳисобланган ушбу муассаса бир вақтнинг ўзида 5 минг китобхонга хизмат кўрсатиш қувватига эга. Бинода илм-фан уммони пойдеворини ташкил этувчи 5 миллиондан ортиқ босма китоб, 2 миллиондан зиёд даврий нашрлар ҳамда электрон шаклдаги мисли кўрилмаган 550 миллиондан ортиқ рақамли ҳужжат ва мақолалар жамланган. “Жаҳон адабиёти” залида эса дунёнинг 134 мамлакатидан келтирилган 100 дан ортиқ тилдаги нодир асарлар сақланади. Биз, албатта, кутубхонанинг энг табаррук қисмларидан бири бўлмиш “Ўзбекистон” бўлимини алоҳида ҳаяжон билан кўздан кечирдик. Бу ерда Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан чоп этилган муҳташам “Туркий адабиёт дурдоналари” номли юз жилдлик бебаҳо асарлар мажмуаси, шунингдек, ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётининг энг сара намуналари жаҳон китоб хазинаси тўридан жой олганидан қувондик, ғурурландик. Ҳафтанинг 7 кунида 24 соат узлуксиз ишлайдиган мажмуада барча ташриф буюрувчиларга чой, қаҳва, ширинликлар, кунда икки маҳал шўрва ҳамда нон мутлақо бепул тарқатилади.

Эътиборли жиҳати, кутубхонанинг 2020 йил 20 февралда бўлиб ўтган тантанали очилиш маросимида Туркия Президентининг шахсий таклифига биноан, энг олий мартабали ва ягона хорижий давлат раҳбари сифатида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев рафиқаси билан бирга иштирок этиб, нутқ сўзлаган.

Янги тақдим этилган ўзбекча китоблар ҳам икки қардош халқ ўртасидаги тарихий ва маънавий кўприкнинг давоми бўлишидан умидвормиз.

ТУРКСОЙНИ КЎРДИК...

Айтганча, бу орада Анқаранинг энг гўзал гўшаларидан бири бўлмиш халқаро ТУРКСОЙ ташкилотининг бош офисида ҳам бўлдик. Бу қутлуғ масканнинг эшиклари ҳам биз учун маданий ҳамкоримиз Ҳошим Ҳамдамнинг беминнат ёрдами ва эҳтироми билан очилди. Анқаранинг шовқинидан холи, сокин ва гўзал бир манзилида қад ростлаб турган ушбу маърифат сароийга яқинлашарканмиз, бино пештоқида ҳилпираган байроқлар ёнида “2026 йил учун Туркий дунёнинг маданият пойтахти – Андижон!” деган маҳобатли

Халқаро ТУРКСОЙ ташкилоти умумий маданий меросимизни дунёга танитишда муҳим аҳамият касб этади. Унинг илк Бош котиби сифатида 1993 йилдан 2008 йилгача фаолият юритган озарбойжонлик таниқли маданият арбоби Пўлат Булбулўғли халқаро тизимнинг асосини яратган бўлса, ундан кейинги даврда, яъни, 2008–2022 йилларда қозоғистонлик профессор Дюсен Касеинов ушбу эзгу ҳаракатни муваффақиятли давом эттирди. Бугунги кунда ташкилотга қирғизистонлик таниқли ёзувчи ва жамоат арбоби Султон Раев раҳбарлик қилмоқда. Айнан Султон Раев бошчилигида ҳозирги даврда Ўзбекистон билан маданий алоқалар янги, юксак босқичга кўтарилди ва кўплаб ноёб адабий лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

ҚЎНИЯГА, МАВЛОМНИНГ ҲУЗУРИГА!

Шу куни тунда Қўнияга отландик. Ниҳоят, туркий элларнинг фахри, мутафаккир шоир Мавлоно Жалолиддин Румий (Балхий) ҳазратларини зиёрат қилиш насиб этди! Йил бошида Мавлоно туғилиб ўсган ва болалиги кечган тупроқларга бориб, отаси Баҳоуддин Валад қурган хонақоҳни кўриб эдик.

Аввал, бу ерда таҳсил олаётган ўзбек дўстларимиз билан учрашиб, мушоира ўтказдик. Суҳбатимиз давомида Мир Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Мавлоно Румий меросини ёдга олдик. Улар орасида афғонистонлик ўзбек талабалар ҳам таҳсил олмоқда. Маҳаллий аҳоли баъзан қизиқиб: “Бу ерларга нега келдингиз?” деркан. Улар мулойимлик билан: “Мавлонодан сўранг!” дейишаркан. Бу қизиқ жавобни икки хил маънода тушуниш мумкин. Биринчиси, “Биз Мавлоно изидан илм истаб келдик”. Иккинчиси эса янада оғриқли, Мавлоно ҳам болалик йилларида мўғуллар зулмидан, Чингизхон босқинидан қочиб, шу тупроқлардан қўним топганди. Туркия эса асрлар оша ўз анъанасига содиқ қолиб, илм аҳлига хавфсиз бошпана ва тинч қўнимгоҳ ҳадя этди.

У ердан чиқиб, Туркия Ёзувчилар уюшмаси Қўния бўлими раҳбари Аҳмед Кўсеўғли билан кўришдик. У кишининг ҳамроҳлигида турк дунёсининг фидойи олими, доктор Меҳмет Доған кутубхонасини кўздан кечирдик.

Маълумот учун: олимнинг башарият ва турк олами олдидаги энг буюк илмий жасорати – бир ўзи муаллифлик қилган, замонавий турк тилининг энг муҳташам ва мукаммал хазинаси ҳисобланувчи “Büyük Türkçe Sözlük” (Катта туркча луғат) асаридир. 1981 йилда илк бор чоп этилган ушбу луғат устида олим ўнлаб йиллар давомида кунни тунга улаб, миллатнинг тил софлигини сақлаб қолиш учун якка ўзи кураш олиб борган. Меҳмет Доған 1978 йилда бугунги кунда Туркиядаги энг нуфузли адабий ташкилот бўлмиш Туркия Ёзувчилар бирлигига (TYB) асос солган ва узоқ йиллар унга раҳбарлик қилган фидойи ташкилотчи эди. Унинг ташаббуси билан 1992 йилдан буён ҳар икки йилда бир марта дунёнинг турли қардош ўлкаларида (жумладан, Ўзбекистонда ҳам) ўтказиб келинаётган машҳур “Туркий тилли шоирларнинг халқаро шеър фестивали” лойиҳаси қардош ижодкорларни бир адабий дастурхон атрофида жамлашга хизмат қилди.

Мезбонимиз Аҳмед Кўсеўғли ҳам сафарнома ёзар экан. Ўзининг айтишича, “Шаҳар адабиёти” билан шуғулланади. Йўлбитикларининг номи ҳам қизиқ: “Ўзини асраган шаҳар”, “Ўзини излаган шаҳар” ва “Ўзини топган шаҳар”. Охирги китобида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларда кўрган-кечирганларини ёзган, яъни, бу шаҳарлар “Ўзини топган”!

У киши Хивага борганда, ажиб бир ҳолга тушибди. Ўзларидан “эшитинг”: “*Сизга айтсам, эфендим, гарчи ўзим Қўнияда туғилиб ўсган бўлсам-да, Ўзбекистонга борганимда она тилим асли ўзбекча эканини англадим. У ердаги одамлар айни онамнинг шевасида сўзладилар. Бу яқинлик, айниқса, эфендим, Хивада яққол сезилди! Онам айтган “сомса“ калимаси у ерда ҳам айнан бир шаклда янгради! Айни бир оҳангда, айни бир талаффузда, англаяпсизми, эфендим, мана шу қулоқларим билан, мана шу юрагим билан соғинган калималаримни яна бир тинглаб, ҳузур туйдим, бале, чок дуйғуландим*!”

Мавлоно мақбарасини зиёрат қилдик. Кираверишда майин мусиқа янграб, аллақандай хуш ифор кишини сокин қилиб қўяркан... Мана, “Маънавий маснавий” каби дунёни титратган, замонлар оша башарият тафаккурини лол қолдириб, қалбларга ишқ оловини ёққан буюк мутафаккир, муҳаббат ва тасаввуф шоирининг сўнгги манзили... Салжуқийлар давлатининг пойтахти бўлган Қўния шаҳри Мавлоно шарофати билан асрлар давомида тасаввуф ва илм маркази бўлиб келган. Уни “Ҳузур шаҳри” ҳам дейишаркан. Қизиқ пайровлари ҳам бор. Биров четдан телефон қилиб, “Қаердасан?” деса, шу шаҳардагилар “Ҳузурдаман”, дер экан. Яъни, “Ҳузур шаҳрида”, “Мавлононинг ҳузурида”, “Шу шаҳарда эканимдан ҳузурдаман!” маъносида.

ОРТГА ЙЎЛ...

Булар сафар давомида йўлма-йўл ёзиб олганларимиз эди. Бу таассуротлар ва йиғилган материаллар юзасидан яна кўплаб мақолалар ёзиш мумкин.

Ортга қайтаркан, йўл бошида ўйлаганимиз, “Қайтишда чамадонлар бўш бўлади”, деган ўйимиз хомхаёл экани маълум бўлди. Қайга борсак, китоб олиб, китоб тутишди. Алқисса, “Туркистон эллари” ва Ўзбекистон маданият, бирдамлик ва ҳамкорлик жамиятлари, Анқарадаги Миллат кутубхонаси, Халқаро ТУРКСОЙ ташкилотининг бош офиси, Туркия Ёзувчилар уюшмасининг Қўния бўлими, “Туркий дунё маданияти маҳалласи”, Темур Хўжа ўғлининг қутлуғ даргоҳидан қуруқ қайтмадик... Қайтанга, чамадонимиз келишдагидан-да оғир бўлди. Энди буни қардош тарозибонларга тушунтириш қолди. Китоб тортган маърифат карвони деганлари шу бўлса керак-да...

Шаҳриёр ШАВКАТ,
Нозима ҲАБИБУЛЛАЕВА

ОЛАМ ОЛИМИ



Дарон АЖЕМОҒЛУ

камбағалликка қарши курашга илмий ёндашган нобелчи

ҲАЁТ ЙЎЛИ

Дарон Ажемоғлу 1967 йил 3 сентябрда Туркиянинг Истанбул шаҳрида туғилган. 1986 йилда нуфузли Галатасарай лицейини тамомлаган. 1989 йилда Буюк Британиянинг Йорк университетида бакалавр даражасини қўлга киритган. 1992 йилда Лондон иқтисодиёт ва сиёсий фанлар мактабида магистрлик ва докторлик даражасини олган. 1993 йилдан буён АҚШдаги Массачусетс технология институтида фаолият юритади ва ушбу даргоҳнинг энг юқори академик мақоми – Институт профессори унвони соҳиби ҳисобланади.

Олим уммон ортида фаолиятини давом эттирар экан, илмий ютуқлари бирин-кетин эътироф этила бошлади. 2006 йилда Америка санъат ва фанлар академияси, 2014 йилда АҚШ Миллий фанлар академияси, 2021 йилда эса Америка Фалсафа жамияти аъзолигига сайланди.

Бугунги кунда у жаҳонда энг кўп иқтибос келтириладиган иқтисодчилардан бири ҳисобланади.

ИЛМИЙ МЕРОС

Ажемоғлуни дунёга танитган энг йирик лойиҳаларидан бири – Чикаго университети профессори Жеймс Робинсон билан ҳаммуаллифликда ёзилган “Мамлакатлар таназзули сабаблари: қудрат, фаровонлик ва камбағаллик манбалари” китобидир.

Муаллифлар институционал ислоҳотларнинг давлатлар фаровонлиги ва аҳолининг турли қатламлари учун тенг имкониятлар яратишдаги аҳамиятини тушунтириб берган. Хусусан, инклюзив институтлар яратишнинг асосий унсурлари коррупцияга қарши курашиш, давлат бошқарувининг шаффофлигини ошириш ва фуқароларнинг сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш эканини таъкидлайди.

2019 йилда икки олимнинг яна бир салмоқли китоби – “Тор йўлак” асари чоп этилади. Унда давлат ва жамият муносабатлари ўртасидаги мувозанат, шахсий эркинлик ҳамда эркин жамиятни шакллантириш масалалари тадқиқ этилган.

2023 йилда эса Ажемоғлу ҳамкасби Саймон Жонсон билан “Ҳокимият ва тараққиёт” китобини ёзди. Асарда технология ва инновациялар тараққиёт омили бўлиши билан бирга, улардан келадиган иқтисодий фойда жамият аъзолари ўртасида қандай тақсимланиши таҳлил этилади.

ЭЪТИРОФ

2024 йилги иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти “ижтимоий институтлар қандай шаклланиши ва фаровонликка таъсир қилишини ўргангани учун” Дарон Ажемоғлу, Саймон Жонсон ва Жеймс Робинсонга топширилади.

Муҳим жиҳати: лауреатлар нафақат сиёсий ва иқтисодий институтлар ўртасидаги боғлиқлик ва уларнинг халқ фаровонлигига таъсирини тадқиқ этади, балки мустамлакачилик ва сиёсий ўзгаришларнинг даврлар кесимидаги оқибатларини ўрганиб, фақат айрим гуруҳ манфаатлари учун ташкил этилган институтлар охир-оқибат камбағалликка олиб келиши мумкинлигини акс эттирган.

Бу эса асрий қарамликдан қутулиб, ўзининг мустақил йўлини бошлаган давлатлар учун муҳим услубий қўлланма, танқидий-таҳлилий манба бўлиб хизмат қилади.

Жасмина ИСРОИЛ
тайёрлади.

ДЎППИДЕККИНА ГАП

Бошланиши 1-саҳифада.

– Келинг, суратга олавераинг, – дедим. – Ўтса-ўтди, рухсат беришмаса, шу кўрсатувни тўхтатамиз, ана қаранг, суҳбатдошлар ҳам кутиб қолишди.

Таваккал, деб иш бошлашди. Эртасигаям, индингаям ҳеч гап йўқ, тинчлик. Кўрсатув эфирга чиқди ҳамки, бирон ножўя гап эшитилмади. Қаранг, бўлар экан!

Ҳатто совет замонида ҳам ўзбеклар СССР Олий Совети сессияларида дўппи кийиб ўтирар эди. Фақат дўппига рухсат бор эди. Дўппи ҳамма жойда эъзоз ва эътироф топган эди. Кейин – йигирма йилча, соқолингиз сал ўсиқ кўринса ёки бошга дўппи кийган бўлсангиз, тиззангиз қалтирайдиган бўпқолди.

Дўппи ўзбек, тожик, уйғур, туркман, қорақалпоқ ва яна бошқа элларнинг асосий бош кийими. Биз дўппи деганда буклаб тахланадиган ва яна қатлари ёзиладиган, “айвони” бўлмаган бош кийимни кўзда тутамиз. У уйғурларда доппа (топпа), тожикларда тоқи (туппи), туркманларда тахя деб юритилади. Яқин ўтмишда бу халқларнинг аёллари ҳам (айниқса, ёш пайтида) дўппи кийган. Ўзбекистонда эса бунинг акси. Маданият вазири Озодбек Назарбеков бир-икки марта дўппи кийиб кўриниш берган эди, ижтимоий тармоқларда уни таламаган, ёзғирмаган одам қолмади. Ўзбекларнинг ўзи дўппига қарши бўлиб қолганми, дейсан. Аммо баъзи ҳожи ва умрачилар мақомини кўрсатиш учун узун хотинкўйлак кийса, бошига кеффия рўмол ўраб, уни иқол билан боғласа ҳам, биров “Ҳой, сен ўзбекмисан?” деб дакки бермайди.

Бизда дўппи кийиш камайиб боряпти. Аммо қизиқ: дўппи кийиш камайгани сари, дўппи ҳақида тадқиқотлар кўпайяпти. Илгари биз дўппи қандай шаклланган, унинг гуллари нимани англатади, деб бош қотириб ўтирмасдик, кияр эдик, вассалом. Ҳолбуки, унинг тагида бутун бир тарих бор, фалсафа бор, дунёни англаш белгилари бор, дейишяпти олимлар.

Марказий Осиё тарихи ва этник жараёнлар бўйича мутахассис, шарқшунос, тарих фанлари доктори, профессор Ш.Камолиддин Фейсбукдаги “Ўзбекистон тарихи” сайтида 2020 йил 13 августда эълон қилинган “Ўзбек дўпписи тарихидан” номли мақоласида, жумладан, шундай деб ёзади:

“Дўппи эркакларнинг ички бош кийими сифатида Шарқ халқлари, хусусан, араблар, форслар, туркlар ва бошқаларда кенг тарқалган... Ҳозирги вақтда тўрт бурчакли дўппи фақат Шарқий Туркистонда, Фарғона водийсида ва Тошкент воҳасида тарқалган.

...Ҳозирги кунда Тошкентда кийиладиган дўппи ҳам турли рангларда бўлиши мумкин, лекин унинг ҳеч қандай нақшлари йўқ. Фарғона водийси ва Шарқий Туркистонда кийиладиган дўппиларда эса қора матога оқ иплар билан тикилган нақш шаклидаги рамзлар мавжуд: дўппининг 4 га бўлинган тепа қисми 4 та бир хил йирик япроқсимон нақшлар билан безатилган; дўппининг 4 та ён қисмида бир қаторга тизилган ярим доира ёки тоқ шаклидаги 4 тадан (жами 16 та) нақш тасвирланган. Мазкур ҳудудларда тарқалган қизларнинг бош кийимлари ҳам тўртбурчак шаклида бўлиб, лекин уларда рамзлар ўрнига турли ранглардаги гулли нақшлар тикилган.

Эркаклар дўпписидаги нақшлар ёки рамзларнинг маъноси хусусида... турлича фикрлар айтилган. Хусусан, бу нақшларни гоҳ қирғовулнинг қаноти ёки лоланинг япроғи, гоҳ бодом ёки қалампирга ўхшатишган. Баъзиларнинг фикрига кўра, дўппининг қора матоси юлдузли осмонни ёки ўзида чексиз маълумотларни мужассам этган бутун Коинотни ўз ичига сиғдирувчи “қора туйнук”ни англатган. Дўппининг тепа қисмларидаги 4 та асосий нақш она қорнидаги 3 ойлик боланинг ҳомиласини, ён қисмларидаги айланасига бир чизиқ бўлиб тизилган 16 та тоқлар эса янги туғилган боланинг бешигини англатган. Тоқларнинг ичидаги нуқталар ўлганларнинг сўниб бораётган нурини билдирган. Коинот доимий равишда кенгайиб ва қисилиб боради, туғилади ва ўлади. Охир-оқибатда, Коинот яна қандайдир бошланғич бир нуқтага қайтади. Шундан кейин янги давр бошланиб, навбатдаги “катта портлаш” юз беради. Яна янги галактикалар, юлдузлар туркумлари, ҳаёт вужудга келади...”

Бундай қарағанда, жуда илмий – биз билган оддийгина дўппи асрлар давомида шаклланиб шу ҳолига келгани ва унда юз йилликлар давомида аждодларнинг дунёқарашлари акс этгани айтиляпти. Аммо олимлар орасида, “Ҳақиқат этигини кийиб йўлга тушгунча, ёлғон дунёнинг ярмини айланиб чиқади”, деган аччиқ бир киноя бор. Бу гапларга ишонсак, кийиб юрган дўппимиз шунчаки бош кийими эмас, бутун дунёнинг энг улуғ ҳодисалари тасвир этилган космограммадан иборат экан, деб ўйлаб қоламиз.

Унинг қора матоси юлдузли осмонни ёки ўзида чексиз маълумотларни мужассам этган бутун Коинотни ўз ичига сиғдирувчи “қора туйнук”ни англатган эмиш. Дўппининг тепа қисмларидаги 4 та асосий нақш она қорнидаги 3 ойлик боланинг ҳомиласи эмиш ва пастки айланасидаги 16 та тоқлар эса “янги туғилган боланинг бешиги” эмиш. Тоқларнинг ичидаги нуқталар ўлганларнинг сўниб бораётган нури бўлиб, коинот доимий равишда кенгайиб ва қисилиб, туғилиб ва ўлиб бориб, охир-оқибатда қандайдир бошланғич бир нуқтага қайтаркан. Шундан кейин янги давр бошланиб, яна бир “катта портлаш” юз бераркан. Яна янги галактикалар, юлдузлар туркумлари, ҳаёт вужудга келар экан... Шулар бари дўппи устига рамз қилиб чизилган экан. Буёғини англамай, кийиб юра берар эканмиз-да.

Яқинда ижтимоий тармоқларда кўриб қолдим, бир опахон юқоридаги гапларни бир альбом қилиб, одамларга кўрсатиб, тарғиб қилиб юрибди. Унда она қорнидаги ҳомиланинг эгилиб турган сурати ҳам бор, бошқа тасвирлар ҳам. Кишилар анграйиб томоша қиляпти.

Аввало, бу гаплар шу аёлнинг ихтироси эмас, Ш.Камолиддиннинг юқорида келтирилган гаплари кўчирмасидан иборат. Опа буни бизнесга айлантириб олибди ҳам. Тўғри фикр бўлса, кошки эди-я!

Турли касалликлар кўп бўлган, эпидемиялар тез-тез қайталанган ўтмиш замонларда, одамлар нажот қидириб, минг хил нарсаларни ўйлаб, ўзларича топгандай ҳам бўлиб, суқ, кинна, кўз тегишидан кўриб, инс-жинсларни “қайтарадиган” нарсаларни ўйлаб топишган. Янги туғилган фарзандларини уларнинг “кучи етмайдиган” қаттиқ нарсалар – пўлат, чўян, болта, теша, ўроқ, тош деб аташган: Тошпўлат, Кетмоной, Чўянбой, Болта, Теша, Тошомон, Ўроққул каби юзлаб исмлар пайдо бўлган. Бола сал катта бўлгач, унинг бўйнига ёки қўлтиғига тумор осиб қўйилган. Тумор ичига туз, қалампир ё мурч каби инс-жинсларни “қочирадиган” аччиқ, тахир нарсалар, кўз тегишини “ўзига олувчи” кўзмунчоқлар солиб қўйилган. Тумор асосан учбурчак ёки тўртбурчак шаклли бўлган.

Илгари ҳар бир киши учун “кўз тегиши” асосий хавф, зўр офат саналарди. Тиббиёт ривожланмагани сабабли, ким қандай касалга учраса, аввало, кўз текканга йўйилган. Кўздан, суқдан, киннадан, “иссиқ-совуқ”дан сақланиш учун ҳамма бошига мунчоқ, қўлтиғига тумор тақиб юрарди. Ҳатто ҳозир ҳам одамлар ўзигагина эмас, минган отига, қурган уйига, машинасига ҳам кўзмунчоқ тақиб, исириқ боғлаб, ёмон кўздан муҳофаза қилган бўлади. Бунинг учун эса аччиқ, тахир ва ўткир санчиладиган нарсалар танланади. Бу удум Марказий Осиё халқларигагина хос эмас. Европа халқлари (масалан, немислар) ҳам “кўз тегмасин” деб уйига пиёз шодаси ё қалампир осиб қўяди.

Қадимда ўзбек дўпписи ҳам тумор сингари учбурчак (уч бўлак матоли) қилиб тайёрланган, тўртбурчак дўппи эса нисбатан кейин пайдо бўлган. Бу жиҳатдан, дўппи – туморнинг катта бир шаклига ўхшайди. Унинг ичига эмас, уститепасига учта (тўртта) қалампир биттадан чатиб қўйилган. Шунинг учун ҳам, XX аср бошларигача ўзбек дўпписи ҳозиргидай қора тагликка оқ ипак билан эмас, балки қизил, яшил, кўк, сариқ, пистоқи ва бошқа рангларда тикилган. Ҳозир ҳам уйғур дўппилари турли рангда тайёрланади. Қалампир қизил бўлгани учун ўтмишда унинг тасвири асосан қизил ипакдан тикилган. Дўппи ҳақида гап кетганда “қалампирнусха” деб таърифланиши шундан.

Аммо... ҳеч ким уч ойлик ҳомила – эмбрион расмини нақш қилиб тикиб, дўпписини у билан “безаб” юрмайди. Ўзбекнинг тийнатида бу хил ғайриатабиий қадриятлар йўқ. Кимнингдир ҳомиласи тушган бўлса, унинг шаклидан андоза олиб ўтирмай, кўмиб қўйилган, овоза ҳам қилинмаган. Ҳомила она қурсоғида қандай шаклда (эгилиб) ётишини “кўриш” ва дўппи тепасида унинг тасвирини чизиш учун ҳозирги УЗИ ускуналари йўқ эди. Ўзбекларнинг (айниқса, эр кишиларнинг) дўппи устида ҳомила расмини чиздириб юриши эса тасаввурга ҳам сиғмайди. Нима учун ўзбек бош кийимида бундай тасвир бўлиши керак, унда нега бошқа халқлар бундай қилмайди – буни ҳам тушуниб бўлмайди.

Дўппи кизаги устидаги ярим доираларнинг бешик эканини, нуқталар эса ўлганларнинг сўниб бораётган нури эканини пайқаш – ғайритабиий фикрлаш намунаси бўлса керак. Бошига дўппи кийган одам бундай деб ўйламайди. Бизнингча, кизак атрофидаги ярим доиралар – мунчоқ шодасининг “муляж”и. Қадимда мунчоқ шодасининг ўзи тақилган. Тўрт томонда тўрттадан ўн олтита ёки бештадан бўлса – йигирмата мунчоқ донаси у. Маълумки, мунчоқ ҳам кўз тегмасин учун қўлланади, ундан безак сифатида фойдаланиш – кейинги функция. Ўтмишда дўппи тепасига қалампир, теварагига мунчоқ қадалган. Кейинроқ қалампир қуриб, синиб, тушиб кетиши, уваланиб тўкилиши туфайли “муляж”дан фойдаланиш, яъни дўппи устига унинг расмини тикиш урф бўлди.

Яқин юз йилгача ўзбек дўпписи ҳам (уйғур дўпписи каби) рангли бўлган, қалампир расми қизил тусда бўлган. То ўтган асрнинг олтмишинчи йилларигача бизда ҳам болалар дўпписи ранг-баранг эди, таглиги асосан кўк ё яшил, устидаги нақшлари қизил, пистоқи, оқ ва бошқа тусда бўларди. Аёллар дўпписи атрофига эса яқинларгача мунчоқ қадалган. Кейинчалик у маржон билан алмаштирилди, яъни кўзмунчоқлик жиҳати ортга ўтиб, шаклан унга ўхшаш безак ашёси қўллана бошлади.

Ана энди, “дўппининг қора матоси юлдузли осмонни ёки ўзида чексиз маълумотларни мужассам этган бутун Коинотни ўз ичига сиғдирувчи “қора туйнук”ни англатгани” ҳақида. Гарчи тадқиқотчи бу гапларни “баъзиларнинг фикрига кўра” дея келтирса-да, давомида ўзи ҳам бунга қўшилиб, дўппида бутун оламнинг модели акс этганини айтади, “коинот доимий равишда кенгайиб ва қисилиб боради, туғилади ва ўлади. Охир-оқибатда Коинот яна қандайдир бошланғич бир нуқтага қайтади. Шундан кейин янги давр бошланиб, навбатдаги “катта портлаш” юз беради”, деб ёзади.

Ажаб, “қора туйнук” атамасини 1967 йили Ж.А.Уилер қўллаган, “катта портлаш” назариясини Жорж Леметр 1931 йилда кашф этган эдику? Бизнинг дўппидўз опалар улардан неча аср аввал бу астрономик ҳодисаларни кашф этиб, каштага муҳрлаб қўйган бўладими унда?

“Ҳавойи гапларни гапириб ўтирмайлик”, деб ёзган эди Абдулла Қаҳҳор бир мақоласида. Шунинг учун ҳам “дўппи назарияси”ни бунёд этиб, ўта илмий, аммо ишониш қийин бўлган фаразларни илгари сургандан кўра, уни кийиб, бошимизни баланд кўтариб юрганимиз афзал.

Қайга борсам, бошда дўппим,
Ғоз юрарман гердайиб.
Олам узра донғи кетган
Ўзбекистон, ўзбегим –

дея фахру ғурур туйган Эркин Воҳидов тавалludига яқинда тўқсон йил тўлади. Шундай улуғ шоиримиз ҳурмати учун ҳам дўппини бошдан туширмасак арзийди.

Гап шунчаки бир бош кийимида эмас. Билсангиз, оқ қалпоқ – қирғизнинг ифтихори. Ҳар йили 5 мартда Қирғизистонда “Оқ қалпоқ куни” ўтади. Бу сана катта байрам қилинади, мактаб боласидан тортиб, давлат раҳбарларигача – барча қалпоқ кияди, миллатидан, ватанидан фахрланади.

Дўппи – ўзбекнинг ўзбек эканини кўрсатувчи алоҳида белги. Бизда ҳам 365 куннинг бир куни “дўппи куни” деб белгиланса, айни муддао бўлар эди. Ана ўшанда дўппидўзликка эътибор кучаяди, бу ҳунар санъатга айланади, йўқолиб бораётган не-не дўппи турлари қайта тикланади, миллий бош кийимимиз яна бошимиз узра ярақлайди.

Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ

ЖАҲОН АЙВОНИДА

ОНЛАЙН ЗЎРАВОНЛИК

ЮНИСЕФ тадқиқотига кўра, дунё бўйлаб 12–17 ёшдаги ҳар беш ўсмирдан бири интернетда жинсий тегажоғлик қурбонига айланмоқда.



Қайд этилишича, 2025 йил 15 миллиондан зиёд вояга етмаганлар номақбул контентга дуч келган. Шу билан бирга, 9 миллион ўғилқиз шундай мазмундаги суҳбатларга тортилган бўлса, 4 миллионининг шахсий суратлари рухсатсиз тарқатиб юборилган.

ҚОРА БОЗОРДАГИ ВИЗА

Афғонистонликлар учун Эрон визасини расмий йўл билан олиш тобора қийинлашмоқда. “Аму TV” телеканали хабарига кўра, хориждан иш излаётган фуқаролар ҳужжатни ноқонуний йўллар орқали харид қилишга мажбур бўляпти.



Мамлакатдаги ишсизлик ва иқтисодий инқироз одамларни қўшни давлатга кетишга ундамоқда. Бироқ қора бозорда виза нархи 100–150 минг афғоний (тахминан 2300 доллар)гача кўтарилган бўлиб, кўпчиликнинг бунга қурби етмайди.

САЙЁҲЛАР ТАНЛОВИ

Жорий йил кузида россиялик сайёҳлар Ўзбекистонга оммавий равишда авиачипта харид қилмоқда. Бу ҳақда “Lenta” нашрига тақдим этилган “Туту” саёҳат сервиси маълумотларида сўз боради.



Мавсумда банд қилишнинг ўсиш суръати бўйича Марказий Осиё мамлакати мутлақ етакчига айланди – кўрсаткич 5,2 фоизга ошган. Рўйхатда Туркия иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, кучли бешликни Озарбайжон, Арманистон ва Грузия якунлади. Айни пайтда Беларус ҳамда Қозоғистон йўналишидаги талаб пасайгани кузатилган.

ЗАМОН НАФАСИ

ҚУЁШ ТОМЛАРГА ҚЎНГАНДА...



Йил бошида бирор ҳафта Тошкентда дам олишда бўлиб уйга қайтгач, дастлаб кўзим тушган нарса ён қўшнимиз – амакимнинг ўғли томига ўрнатилган қуёш панеллари бўлди. Оз эмас, нақд етмишта панель тунука томнинг қибла тарафини деярли эгаллаган эди. Амакимнинг ҳали уйланмаган ўғли бир йилча хорижда ишлаб, яхшигина пул топибди. Ишлаб топган пулига бошқа тенгқурлари каби енгил машина харид қилмабди. Олдиндан режа қилгани – қуёш панеллари ўрнатибди. “Телефон орқали буюртма бердим, ўзлари келтириб, ўрнатиб кетишди. Энди уйим ҳамиша чароғон, қолаверса, ортиқча энергияни электр таъминоти идорасига сотаман. Бу борада шартнома ҳам туздим. Қишнинг совуқ ва булутли кунларида ҳар куни тахминан тўққиз минг сўмлик электр энергияси сотяпман. Баҳору ёзда бу миқдор беш-ўн баробарга ошаркан. Ҳар ойда бир ярим – икки миллион беминнат пул ҳисобимга тушиб турса, ёмонми?” дейди у.

Икки йил олдин қўшни қишлоқлик тоғамнинг невараси ҳам боғи тўрида “кичик қуёш электр станцияси” қурган эди. Кичик станция деганимиз, бир сотихча майдонга ўрнатилган қуёш панеллари ойига хонадон истеъмолидан ташқари уч минг киловаттгача электр токи ишлаб чиқармоқда. Ҳар киловатт учун электр таъминоти идораси унга минг сўмдан ҳақ тўлаяпти. Фойда унинг беш кишилик оиласи учун бир ойлик озиқ-овқат ва бошқа харажатларга етиб ортяпти.

“Қуёш панелларини ўрнатиш учун икки юз миллион сўм сарфладим. Ўша пулни ортиқча ишлаб чиқараётган токни сотиш орқали олти-етти йилда қоплар эканман. Бу ёқда рўзғори ишлатадиган ток текин. Олдинлари қишда уйни иситиш учун ойига электр энергияси истеъмолига икки-икки ярим миллион сўм тўлардим. Қисқаси, йилига ток учун ўртача ўн миллион сўмча пулим кетарди. Буниям қўшсак, икки юз миллион сўмга ўрнатган қуёш панелларим камида йигирма беш йил хизмат қилишини айтсам, йигирма йил рўзғоримни боқаркан”. Бу сўзлар олий маълумотли иқтисодчига эмас, йигирма етти яшар оддий ҳунарманд йигитга тегишли.

Катта қизим мактабда директор ўринбосари бўлиб ишлайди, куёвим банк хизматчиси. Улар биринчилардан бўлиб томига қуёш панеллари ўрнатишганди. Қизим қувониб эътироф этишича, олдинлари электр истеъмоли учун қиш ойларида маошининг ярмини сарфлаган. Мана, уч йилки, бир тийин ҳам тўлашмаяпти, аксинча, ҳар ойда ортиқча токни сотиб, рўзғорига ишлатишга ўтишган. *“Ёзда ойига бир миллион сўм атрофида ток сотамиз. Тўғри, бизлар ўша вақтлари атиги беш киловаттлик қуёш панеллари ўрнатгандик. Ўн ва ундан ортиқ киловаттли қуёш панеллари ўрнатганлар бундан ҳам кўпроқ топишяпти. Куёвингиз бу йил яна қўшимча қуёш панеллари ўрнатишни ўйлаяпти. Топган пулимизни фарзандлар ўқишига сарфласак ёмонми?”* дейди у.

Қишлоғимиздаги ўртаҳол оила ҳам ўтган куз адоғида томига қуёш панеллари ўрнаттирди. Энди давраларда, баъзида электр таъминотида узилишлар содир бўлганидан норозилик билдирадиган қўшниларига, шундай маслаҳат беради: ***“Бир сигиримни сотдим, ўзлари келиб бир зумда қуёш панелларини ўрнатиб беришди. Чироқ қачон ўчади, деган ташвиш ёдимиздан чиқди. Ҳисобласам, ҳар йили электр учун бундайроқ бир бузоқ пулини тўлар эканман. Бу йил шу бузоқ ёнимга қолди – бир йилда росмана ҳўкизга айланади. Шу қуёш панелларини ўйлаб топганларга, уни ўрнатаётганларга раҳмат!”***

Хоразм воҳасида қуёш панеллари ўрнатила бошлаганига ҳали бир мучал вақт ўтганича йўқ. Аввалларида томларда ярқираб турадиган қуёш панелларини онда-сонда учратардингиз. Сўнги икки йилда қуёш панеллари ўрнатиш русмга кирди, ҳатто айримлар кимўзарга пойга бошлагандек. Қўшниси ўрнатганидан қуввати икки ҳисса кўпроғини буюртма қилаётганлар қанча.

Бозор иқтисодиётининг ёзилмаган қонуни шуки, нарх-навони талаб ва эҳтиёж белгилайди. Яъни, қайси маҳсулотга талаб катта бўлса, нархи ҳам ошади. Бозор сиёсатининг ушбу ўзгармас қоидаси қуёш панелларига келганида ожизлик қилди. Икки йил олдин 10 киловатт ток ишлаб чиқарадиган қуёш панелларини олтмиш миллион сўмга ўрнатиб беришган бўлса, бугун бу нарх 32 миллион сўмга тушган. Олдинлари қуёш панеллари ўрнатиш учун қай бир МЧЖ шаклидаги тадбиркор эшигига илтимос билан борган бўлсангиз, бугун тадбиркор ўз хизматини ижтимоий тармоқлар орқали таклиф қилиб, қўнғироқ қилган заҳотингиз эшигингизга келяпти. Яна қуёш панеллари ўрнатадиган тадбиркорлар энг камида бир йилгача кафолат бериб, тизимда бирор носозлик бўлса, ўз ҳисобларидан тезкор таъмирлаш, нуқсонларини тузатишни зиммаларига олишган.

Тармоқда ишлайдиган танишимнинг айтишича, ҳозирда Хоразм вилояти қуёш панеллари ўрнатиш кўрсаткичлари бўйича республикада энг илғор экан. Ўтган йили барча фермер хўжаликлари эгалари электр токида ишлайдиган сув чиқариш насослари учун қуёш панеллари ўрнатишди ва унинг самарасини бир йилдаёқ сезишди. Олдинлари суғориш мавсумида ойига ишлатилган ток учун 30-40 миллион сўм пул тўлайдиган фермерлар ортиқча чиқимлардан халос бўлишган. Бугун қишлоқлардаги умумий овқатланиш шохобчалари ҳам деярли тўлалигича қуёш нури ҳисобидан таомлар тайёрлашга ўтган. Тупроққалъа тумани ҳудудидаги бўш ётган қумликларда йирик қуёш электр станцияси барпо этишга ўтган йили киришилганди. Бу янги қуёш электр станцияси туфайли вилоятни электр билан таъминлаш кўрсаткичи деярли 90 фоизга етади. Бу – йил давомида, айниқса, қишнинг қорли-қировли кунларида ҳам электр таъминотида узилишлар рўй бериши тарихга айланади, дегани.

Президентимиз бир селектор йиғилишида “оғир” тоифадаги 903 та маҳаллада 300 киловаттли кичик қуёш станциялари қурилишини айтганди. Гарчи “кичик қуёш станциялари” дейилаётган бўлса-да, аслида, бу типдаги ҳар бир станциянинг қуввати камида юз хонадонни узлуксиз ток билан таъминлашга етади.

Яна бир янгилик: энди “давлат тоифасидаги оила” рўйхатига киритилган оилаларга қуёш панеллари ўрнатишлари учун БҲМнинг 100 баравари, яъни 42,2 миллион сўм миқдорида субсидия берилади. Демак, бугун “ҳаводан пул ишлаётган” ўзига тўқ ва ўрта қатлам вакиллари қаторига камбағал оилалар ҳам қўшилади.

Ўтган асрнинг 90-йилларида уйлар томида парабол антенналар учрарди. Бу янгиликни ҳазиллашиб, “Ялла” ансамблининг машҳур қўшиғига қиёслаб, “том бошида тоғора” дейишарди. Эндиликда томларни қуёш панеллари “ишғол қилиш”ни бошлаган. Бунинг афзал томони, чиқимидан кирими кўплиги, яъни, уйингизда ўтириб, қўлингизни совуқ сувга урмасдан, ҳаводан – қуёш нуридан пул ишлаб топишингиз мумкинлигидир.

Рўзимбой ҲАСАН

МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

РЎЙХАТ БОШИДА



Ҳасанхон Ниёзов

Қатағон бир хонадон эшигини бир марта эмас, қайта-қайта бузиб кирган ҳоллар кўп эди. Бир оиладан ака-ука, ота-бола, ҳатто бир неча авлод вакилларининг сиёсий айбловлар гирдобига тортилиши 1930 йиллар фожиасининг энг оғриқли саҳифаларидан. Газетанинг ўтган сонларида Ҳусанхон Ниёзов тақдирини ёритар эканмиз, архив ҳужжатлари бизни яна ўша хонадонга – бу сафар акаси Ҳасанхон Ниёзов қисмати томон элтди.

Ҳасанхон Ниёзов 1895 йили Андижон шаҳрининг “Бирлик” даҳасида, маърифатли оилада дунёга келган. Отаси Матмуса (Муҳаммад Муса) уламо, онаси Ҳанифа ая отин эди. Оилада илм ва маърифатга муносабат алоҳида бўлган. Кейинчалик ўғли Одилхон Ниёзовнинг хотирлашича, онаси саводли аёл бўлгани боис, Ҳасанхон тўққиз ёшидаёқ хат-саводи чиқиб, бемалол ўқиш-ёзишни билган. Сўнг Андижондаги мадрасалардан бирида таҳсил олиб, араб ва форс тилларини ўрганган. Шунинг учун ўзи мустақил равишда дунёвий фанлар билан бирга мумтоз адабиётимизнинг йирик вакиллари ҳақида ҳам кўпроқ билим олишга интилган. *“Отамиз ўз замонасининг ўқимишли, маданиятли, маърифатли вакили, Андижон вилояти маънавияти ва истиқлоли йўлида кураш олиб борган зиёлилар етакчиси, диний ва дунёвий билимларга эга бўлган, халқ ичида катта обрў ва ҳурмат қозонган камтарин инсон эди”*, дейди у.

Матмуса эшон ўғилларини ўзининг маърифий йўлини давом эттирувчи ворислар сифатида кўришни истарди. Ҳасанхон 1917–1927 йиллар давомида отасининг раъйини қайтара олмай, диний қонун-қоидаларни, уларнинг келиб чиқишидан тортиб шаклланиши ва тараққий этишига қадар бўлган масалаларни чуқур ўрганишга ҳаракат қилган. Қаҳрамонимиз ислом динининг қонун-қоидаларини чуқур билган, диний хурофотларга қарши турувчи арбоб бўлиб етишган эди. У ҳамюртларига ислом дини йўл-йўриқлари, кўрсатмалари ва шариат қоидаларини тушунтириш орқали ислом маданияти ва маърифатини ўрганишга чақирар эди. Шунингдек, советлар ҳукуматининг дин ҳақидаги сиёсатига ҳамоҳанг ғоялар ва таълимотларга таяниб иш кўрарди.

Бироқ Ҳасанхон Ниёзов ҳаётининг бу йиллари фақат диний-маърифий фаолият билан кечмаган. Кейинчалик тўлдирилган тергов анкетасида унинг 1920–1923 йилларда “Миллий иттиҳод” ташкилотига аъзо бўлгани ва унга раислик қилгани қайд этилади. Айнан шу ўтмиш орадан ўн йилдан зиёд вақт ўтгач, қатағон терговининг асосий айбловларидан бирига айланади.

1927 йили Матмуса эшон вафот этгач, кўпчиликнинг талаби билан Ҳасанхон отасининг ишини зиммасига олишга мажбур бўлади. Бу иш узоққа бормайди. Чунки советлар ҳукуматининг исломга қарши кураши кескин тус олади, масжиду мадрасалар ёпилади, дин ходимлари таъқиб қилина бошланади. Шундай таҳликали шароитда бу фаолиятни узоқ давом эттиришнинг имкони қолмайди. 1932–1934 йилларда Ҳасанхон Ниёзов Андижон сув хўжалиги идорасида мироб бўлиб ишлайди. 1934 йилдан шаҳардаги 18-тўлиқсиз ўрта мактабда бошланғич синф ўқитувчиси сифатида фаолият юритиб, айни пайтда ўқитувчилар тайёрлаш билим юртининг кечки бўлимида таҳсил олади. Шу тариқа, унинг кейинги ҳаёти мактаб, таълим ва кундалик меҳнат билан боғланади.

Аммо ўтмишдаги сиёсий фаолият қатағон идоралари хотирасидан ўчмаган эди. 1937 йилдаги асосий ҳибсдан аввал ҳам Ҳасанхон сиёсий бошқарма томонидан ушланиб, беш кун қамоқда сақланган, бироқ унга ҳеч қандай модда қўйилмасдан озод этилган. 1937 йил ёзига келиб, мамлакатни қамраб олган қатағон тўлқини унинг эшигини яна тақиллатади. *“Шу сабаб дадам ва бизнинг ўртамиздаги алоқа тўхтайди”,* деб ёзади Ҳасанхон Ниёзийнинг катта ўғли – узоқ йиллар Андижон давлат университети тарих факультетида декан лавозимида фаолият кўрсатган олим Одилжон Ниёзов.

Июль бошларида Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг Андижон сектори ходимлари жадидлардан Ҳасанхон Ниёзов, Абдужалил Ҳайдаров ва Абдумуталиб Қорамандиевнинг уйида тинтув ўтказиб, уларни ҳибсга олади. Ҳасанхон Андижондаги машҳур Латазаводдаги турмага олиб кетилади. Шу тариқа, мактабда болаларга сабоқ бериб юрган муаллимнинг ҳаётида энди синфхона ўрнини қамоқхона, дарс ўрнини эса узлуксиз сўроқлар эгаллайди. Орадан тўрт ой ўтиб маҳбуснинг анкетаси расмийлаштирилади. Унда Ҳасанхоннинг 115-уйда яшагани, 18-мактабда ўқитувчилик қилгани, партиясиз, маълумоти ўрта экани ва хизматчи қатламига мансублиги қайд этилади. Оила аъзолари қаторида 31 ёшли рафиқаси Тоҳира Қозиева, тўрт фарзанди, онаси Ҳанифа Аҳмедова ҳамда икки укаси тилга олинади. Улардан бири Тошкентда ўқитувчилик қилаётган укаси Ҳусанхон Ниёзов эди. Аммо тергов анкетасида қайд этилган бу исмлар ортида қолган оила тақдири энди Ҳасанхоннинг ўзига қарши бошланган оғир тергов жараёни соясида қолади.

Кўпдан-кўп терговлар исканжасида қаҳрамонимиз куну туннинг исталган дақиқаларида сўроқ қилинган, гувоҳлар билан юзлаштирилган. Ҳасанхон Ниёзов барча қийноқларга чидаган. Ўзига қўйилаётган айбларни рад этган. 1937 йил 1 ноябрь. Терговчи ундан “Миллий иттиҳод”нинг собиқ раиси сифатида ташкилот аъзоларининг советларга қарши фаолияти ҳақида батафсил маълумот талаб қилади. Ҳасанхон эса аввал айтганларидан бошқа фактларни билмаслиги ва эслай олмаслигини таъкидлайди. Терговни, табиийки, бундай жавоб қониқтирмас эди. Сўнгра ундан сургундан қайтган Абдумуталиб Қорамандиев билан муносабатлари сўралади. Ҳасанхон унинг дўкони ва чойхонасида беш-олти бор учрашганини яширмайди. 1937 йил қишидаги учрашувлардан бирида Қорамандиев газета ўқиб ўтиргани ва мамлакатда кечаётган суд жараёнлари ҳақида: “Қимматли кишилар устидан суд жараёни кетяпти, ахир улар Октябрь революцияси учун курашган эдилар, энди уларни суд қилишяпти”, деганини баён қилади. Оддий суҳбат, бир оғиз фикр, таниш инсон билан бир неча бор учрашиш – қатағон мантиғи ишга тушган шароитда буларнинг ҳар бири сиёсий айблов занжирининг навбатдаги ҳалқасига айлантирилиши мумкин эди.

Ички ишлар халқ комиссарлиги Андижон сектори 3-бўлим бошлиғи, давлат хавфсизлиги катта лейтенанти Берг томонидан 28 нафар маҳбусга нисбатан айблов хулосаси тайёрланиб, кўриб чиқиш учун Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги “учлиги”га тақдим этилади. Маҳбуслар рўйхатида Ҳасанхон Ниёзовнинг исми биринчи бўлиб қайд этилган эди.

Ушбу 28 нафар маҳбусга ВКП(б) Марказий Комитети ва совет ҳукумати раҳбарларига, шунингдек, “халқлар доҳийси”га қарши террорчилик кайфиятини ифода этиш, партиянинг марксча-ленинча миллий сиёсатига туҳмат қилиш, “халқ душманлари” деб эълон қилинган троцкийчи-бухаринчилар, қўпорувчилар ва жосусларнинг режаларига хайрихоҳлик билдириш, фашистларга ижобий муносабатда бўлиш каби умумий айблар қўйилган. Шунингдек, улар совет халқининг аҳволи ва Сталин конституцияси тўғрисида аксилинқилобий туҳматлар тарқатиш ҳамда муҳожирликка чиқиб кетишнинг афзалликларини тарғиб қилишда ҳам айбланган.

Ҳасанхон Ниёзовга қўйилган айблар эса янада оғирлаштирилади. Айблов хулосасида унинг 1928 йил августида ўз уйида йиғилиш ўтказгани, унда Абдужалил Ҳайдаров, укаси Ҳусанхон Ниёзов, Боқи Маҳмудий, Зокир Нусратов ва бошқалар иштирок этгани қайд этилади. Тергов талқинига кўра, Ҳасанхон 1919–1921 йилларда Маҳкам ҳожи қўрбоши бошчилигидаги ҳаракатда қатнашган, 1921 йили “Миллий иттиҳод” ташкилотига раислик қилган ва унинг йиғилишларини ўтказган.

Айблов шу билан чекланмайди. У 1936 йилнинг ноябрида ўз маслакдошлари орасида совет ҳокимиятига қарши фикрлар тарқатиш, япон фашистларини мақташ, аҳоли ўртасида “мусулмонобод” давлатини тузиш ғоясини тарғиб қилиш, босмачиларнинг совет ҳокимиятига қарши курашини ёқлашда айбланади. Шунингдек, 1931 йили Абдужалил Ҳайдаров билан биргаликда Мусо Нурулло ҳожининг муҳожирликка чиқиб кетишига кўмаклашгани ҳам унинг “жиноят”лари қаторига қўшилади.

Шу тариқа, турли йиллардаги воқеалар, учрашувлар, суҳбатлар ва эски алоқалар битта айблов занжирига тизилади. ЎзССР Жиноят кодексининг 66- ва 67-моддалари билан расмийлаштирилган бу айбловлар Ҳасанхон Ниёзовнинг тақдирини ҳал қилиш учун етарли, деб топилади. Суд ҳам бўлмайди. Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги “учлиги” айблов хулосасига асосланиб, Ҳасанхон Ниёзовни отувга ҳукм қилади. Оила учун эса 1937 йил июль ойида тўхтаган алоқа абадий айрилиққа айланади.

Ҳасанхон Ниёзовнинг ўғиллари кейинчалик отасининг илм йўлини давом эттирдилар. Катта ўғли Одилхон Ниёзов тарих фанлари номзоди, доцент бўлиб, Андижон давлат университетида қарийб олтмиш йил фаолият кўрсатди. Унинг яна бир ўғли Ноҳид Ниёзов техника фанлари доктори, профессор бўлиб, республика миқёсида турли раҳбарлик лавозимларида хизмат қилди. Фарзандлар отаси номидан “халқ душмани” деган тамғанинг олиб ташланишини узоқ кутишларига тўғри келди.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор



“Ўзимиздаги ҳурматни ўзимиз йўқотмасак, уни биздан ҳеч ким тортиб ололмайди...

Махатма ГАНДИ

ИЗДОШ

ёхуд тафаккурни таҳрир қилган аллома

Бошланиши 1-саҳифада.

Академик Иброҳим Мўминов афсонавий ўзбек муҳаррирлари орасида алоҳида мавқе касб этади. У шунчаки илмий матнларни таҳрир қилган олим эмас, балки Ўзбекистонда илк илмий журнал, миллий энциклопедия, фан тарғиботи, академик таҳрир маданияти ва илмий муҳаррирлик институтини шакллантирган буюк маърифатпарвар шахс ҳисобланади.

Алоҳида таъкидлашни истардимки, Иброҳим Мўминов ҳодисасини, қайсидир маънода, жадидлар ғоясининг реализация босқичи сифатида ҳам баҳолаш мумкин. Жадидлар миллатни илм билан уйғотиш, мактабни янгилаш, халқни дунё илм-фанига яқинлаштириш, ўз тилида замонавий билимлар тизимини яратишни орзу қилган эди. Беҳбудий, Фитрат, Авлонийлар авлоди бу орзуни матбуот, мактаб, дарслик, театр ва публицистика орқали илгари сурди. Иброҳим Мўминов эса ана шу маърифатпарварлик орзусини совет даврининг зиддиятли шароитида илмий муассаса, журнал, қомус, брошюра, атама ва илмий муҳарририят даражасига кўтарди.

Бу боғлиқлик тасодифий эмас. Иброҳим Мўминов Самарқанд илмий-адабий муҳитида шаклланди. У ерда Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат, Ҳамид Олимжон, Баҳром Солиев, Яҳё Ғуломов каби зиёлилар бор эди. Фитратдек маърифатпарвар билан бир муҳитда бўлиш, ундан сабоқ олиш, устозлар бошлаган илм, тил, тарих ва миллий ўзлик ҳақидаги баҳсларни кўриш Иброҳим Мўминов дунёқарашида чуқур из қолдирганини англаш қийин эмас. Шу маънода, у жадид маърифатпарварлиги билан совет даври илмий муассасалари ўртасидаги кўприк эди.

Яна бир муҳим жиҳатни алоҳида таъкидлаш керак. Яқин-яқинларгача ўзбек матбуотида бош муҳаррирдан ташқари “илмий муҳаррир” деган масъул шахс ҳам бўлган. Журналист – қомусий олим эмас. Мураккаб илмий, тарихий, фалсафий, тиббий ёки техник мавзуларни халқчил тилда ёза оладиган олимлар эса ҳар даврда ҳам саноқли бўлган. Шунинг учун илмий муҳаррир матбуотда жуда муҳим вазифани бажарган. У академик илмий тилда ёзилган мақолаларни халқчил баён қилишда таҳририятларга кўмаклашган. Афсуски, бугун ҳам замонавий илмлар, хусусан, IT соҳасида ёзадиган ихтисослашган журналистлар, илмий муҳаррирларга катта эҳтиёж бор. Матбуотдаги иқтисодий қийинчилик йилларида “илмий муҳаррир” деган мактаб йўқолиб кетган.

Мавзуга қайтиб айтганда, Иброҳим Мўминов ана шу муқаддас миссияни институционал даражага кўтарган шахс эди. У 1957 йилда “Фан ва турмуш” ойномасининг асосчи бош муҳаррири, 1957–1974 йилларда “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” журнали бош муҳаррири, 1958–1974 йилларда “Билим” республика жамияти раиси бўлган. Шунингдек, у Ўзбек қомуси бош таҳририятининг ташкилотчиси ва биринчи бош муҳаррири сифатида ҳам тарихда ўчмас из қолдирди.

Шу ерда совет даврида яшаган катта зиёлилар қисматига хос жуда нозик ва мураккаб нуқта бор. “Билим” жамияти совет мафкураси доирасида ишлагани, у орқали илмий атеизм, социализм ғоялари ва партиявий қарашлар ҳам тарғиб қилингани ҳақиқат. Буни инкор этиб бўлмайди. Аммо Иброҳим Мўминовнинг буюклиги шундаки, у ана шу мафкуравий чекловлар ичида туриб ҳам, илм-фан, миллий тафаккур ва буюк тарихий хотира тарғиботига имкон топган. У “Билим” жамияти имкониятлари орқали халқчил маърузалар, рисолалар, брошюралар, илмий-оммабоп нашрлар чоп эттирди. Илм-фан соҳасидаги янгиликлар мактаб, кутубхона, чекка туманлар, маданият уйларида ўқилган маърузалар орқали халқ шуурига кириб борди. Одамларда фанга нисбатан қизиқиш кучайди. Ўша даврда кичик бир брошюра ҳам баъзан газета ва журналлардан қолишмайдиган таъсир кучига эга бўларди. Ундаги мақола, маъруза матни, илмий-оммабоп рисола ўқувчини тарих, фалсафа, адабиёт, табиий ва ижтимоий фанлар ҳақида ўйлашга ундарди. Бугунги интернет даврида бу таъсирни тасаввур қилиш қийин. Аммо ўша пайтда брошюра, журнал, қомус ва маъруза жамият тафаккурини тарбиялайдиган катта мактаб эди.

Айниқса, олимнинг ўзбек қомуси билан боғлиқ хизматларини алоҳида баҳолаш керак. Энциклопедия тузиш – фақат маълумот йиғиш эмас. Бу миллатнинг билим харитасини яратишдир. Қомус орқали халқ ўз олими, тарихи, шаҳарлари, дарёлари, адабиёти, санъати, қаҳрамонлари ҳақида тизимли тасаввурга эга бўлади. Шу маънода, кенгроқ қаралса, энциклопедия таҳририятининг ташкил топиши мустақил давлатчилик руҳи, орзуси яшаб қолиши учун муҳим зарурий воқеа эди. Ҳар қандай миллатнинг савияси фақат шоирлари ёки сиёсатчилари билан эмас, ўзини қандай тушунтириши билан ҳам ўлчанади. Энциклопедия – миллатнинг ўзини ўзи тушунтириш майдони. Унда тарих ҳам, география ҳам, адабиёт ҳам, санъат ҳам, иқтисод ҳам, тиббиёт ҳам, техника ҳам, фалсафа ҳам яхлит бир тизимга тушади.

Шу боис, Ўзбек қомуси бош таҳририяти оддий нашриёт эмас, миллий тафаккур лабораторияси эди. Бу лабораторияда фақат мақолалар таҳрир қилинмаган. У ерда ҳозирги ўзбек илмий, сиёсий, бадиий ва медиа тилининг муҳим қатламлари шаклланган. Қайси атамани қандай бериш, қайси тушунчага қандай ўзбекча муқобил топиш, русча ёки байналмилал терминни қандай мослаштириш, халқчиллик билан илмий аниқлик ўртасида қандай мувозанат сақлаш – буларнинг барчаси муҳарририят-нинг кундалик, аммо тарихий аҳамиятга эга ишлари эди.

Бу ишнинг қиймати беқиёс. Чунки атама – фақат сўз эмас, у – фикрлаш воситасидир. Миллат ўз тилида илмий атама ярата олмаса, мураккаб фикрни ҳам ўз тилида тўлиқ ифода эта олмайди. Демак, атамашунослик ҳам миллий тафаккур учун курашнинг бир кўриниши, дейиш мумкин. Афсуски, матбуот тарихини ёзаётганлар кўпинча нашр этилган газета ва журналларга қарайди. Ҳолбуки, илк ўзбек Қомуси илмий ҳайъати йиғилишларининг стенограммалари, таҳрир муҳокамалари, атамалар юзасидан тортишувлар – бугунги ўзбек тили ва матбуот тафаккурининг шаклланиш жараёнини англаш учун бебаҳо манбалардир. Ҳозирги сиёсий тил, бадиий тил, илмий тил ва медиа тилининг муҳим қатламлари айнан шу муҳарририятда, шундай баҳсларда, шундай масъулиятли қарорларда пишиб етилган.

Бу тизимли саъй-ҳаракатлар бесамар кетмади. 1960–1970 йилларга келиб, Ўзбекистонда фаннинг қадрини тушунадиган, замонавий илмий матнни ўқий оладиган, ўз тарихи, фалсафаси, адабиёти, археологияси ва тилшунослигига қизиқадиган, жон-жаҳди билан ҳимоя қиладиган зиёлилар, олимлар авлоди етишиб чиқди. Бу жараён ортида, шубҳасиз, Иброҳим Мўминов асос солган илмий таҳририят, оммабоп рисолалар, журналлар ва қомуслар ҳам турарди.



Ўзбекистонда 1967-1968 йилларда Амир Темур шахсига муносабат тубдан ўзгарди. Бошқача айтганда, совет идеологлари томонидан балчиққа ботирилган Соҳибқирон номи ватанига шараф тўнини кийган ҳолда мағрур қайтди. Гап шундаки, 1967 йилда Алихон Тўра Соғуний таржимасидаги “Темур тузуклари” “Гулистон” журналида эълон қилинди. 1968 йилда эса академик Иброҳим Мўминовнинг Амир Темур ҳақидаги мақоласи журналда чоп этилди. Бу воқеалар совет даврида Амир Темур меросига холис қараш йўлидаги жасоратли қадамлар эди. Миллий руҳ кучайиб борарди, жамият “Гулистон”ни ютоқиб ўқий бошлади, уйғониш кайфиятининг чўққиси – 1968 йили журналда чоп этилган Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим” қасидаси бўлди. Ғоя тез оммалашди, таъкидлаш жоизки, Абдулла Ориповнинг 1971 йили “Шарқ юлдузи”да босилган “Ўзбекистон” қасидаси ҳам мана шу миллий уйғониш кайфияти маҳсули эди.

Умуман, бу воқеликларнинг мумтоз аҳамияти шундаки, у миллий ижтимоий фикр тараққиётида туб ўзгаришлар нуқтаси бўлиб қолди. Иброҳим Раҳим, Иброҳим Мўминов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби ойдинлар бу йўлда ўз лавозими, мавқеи ва хотиржамлиги билан бадал тўлади. Аммо муҳим миссия бажарилган эди: жамиятда тарихни қайта баҳолаш, миллий давлатчилик меросига бошқача назар билан қараш кайфияти кучая бошлади. Кейинчалик, 80-йилларга келиб миллий уйғониш, ўзликни англаш ва озодлик ғояси кескинроқ равишда кун тартибига чиққани бежиз эмас. Чунки бу даврга келиб яккам-дуккам жасоратли зиёлилар эмас, халқнинг ўзи ҳам тарихий ўзанларга қайтиш заруратини ҳис эта бошлаган эди.

Билониҳоя, Иброҳим Мўминов матнни таҳрир қилган олимгина эмас, қалтис замонларда миллат тафаккурини таҳрир қилган буюк маърифатпарвар шахс эди.

Беҳзод ҚОБУЛОВ

ТААССУРОТ

БУГУН БАЙРОҚ КИМДА?



Бизда жадидлар асос солган, юз йиллик тарихга эга санъатшунослик фани бор. Бўлганда ҳам, уйғоқ ва тезкор санъатшунослик. Масалан, нафақат саҳнага қўйилган спектакларга, балки ҳали ижро қилинмаган пьесага, ҳаттоки санъатга оид воқеа-ҳодисаларга ҳам муносабатлар босилган. Муҳиддин Қориёқубовнинг қўшиқлари ёки Ҳалима Носированинг саҳнага чиқиши янги тақризлар билан кутиб олинган.

Умумхалқ байрамлари муносабати билан ўтказиладиган майдон томошалари ҳам кенг кўламли мавзу. Охирги марта Баҳодир Йўлдошев режиссёрлигида қўйилган майдон томошаларига Шуҳрат Ризаев тақриз ёзган эди, адашмасам. Лекин янги авлод санъатшунослари ичида майдон томошаларига профессионал фикр билдирадиганлар кўринмаяпти. Ҳолбуки, майдон томошалари – қамрови кенг, катта санъат асаридир. Унда бир вақтнинг ўзида бир нечта санъат турлари синтез қилинади. Шу жиҳатлари билан уни улкан эстетик ҳодиса дейиш мумкин. Хусусан, пойтахтимизда ўтадиган бош байрам тантаналарига санъатшунослар муносабати, профессионал тақризнинг йўқлиги, барибир, яхши эмас. Фақат тармоқ фаолларининг томошабин сифатидаги таассуротлари мавжудлиги зиёлиларни ҳушёр торттириши керак. Қолаверса, ҳар бир ижодкор меҳнатига муносиб баҳо олишни истайди. Бу фақат рағбат, қалам ҳақи эмас, балки мутахассисларнинг мақолаларида ҳам ўз аксини топади. Балки бу йилги Мустақиллик байрамининг асосий тантанаси бўйича профессионаллар чуқур таҳлилга киришгандир. Унгача баҳоли қудрат кўз олдимизда ўтган байрамни таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

ЯНГИ МАНЗИЛ – ЯНГИ ДАВР ИФОДАСИ

Ўтган 35 йил ичида Мустақиллик байрамига бағишланган майдон томошалари локацияси бир неча бор ўзгарди. Биринчи бор “Халқлар дўстлиги” санъат саройи майдонида, маълум вақт Мустақиллик майдонида бўлди. Кейин Миллий боғга кўчди. 2021 йилдан байрам “Янги Ўзбекистон” боғида нишонлана бошлади. Бу – Янги Ўзбекистонни бунёд этиш ғоясининг рамзий ифодасини берди. Жорий йилда шодиёналар Янги Тошкентда ўтказилди. Локациянинг ўзгариши фақатгина тадбирни у ёқдан бу ёққа олиш эмас, бу ғоявий, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва маънавий марказ ўзгараётгани белгиси, даража кўтарилаётгани далолатидир.

Ташкилотчилар фақат янги бунёдкорлик самарасини халққа ва жаҳонга кўз-кўз қилишни режа қилмаган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев байрамда нутқ сўзлар экан, жумладан, шундай деди: “Бугун биз тарихнинг янада масъулиятли ва ҳал қилувчи палласида турибмиз. Мамлакатимиз тараққиётнинг мутлақо янги даврига қадам қўймоқда. Келгуси ўн йиллик – биз учун **миллий юксалиш даври** бўлади”. Демак, янги локация янги давр дебочасига гувоҳ ва ушбу давр ислоҳотлари кечадиган макон маркази ўлароқ танланган.

* * *

Яна бир эътиборли жиҳати, тадбир сценарийсини тузишда эркинлик ва халқчиллик, замонавийлик ва ретро тароналарга урғу берилган. Аввал одат бўлган “бир артист фақат бир марта саҳнага чиқсин”, “фақат жиддий қўшиқлардан репертуар тузилсин” каби қолиплар бузилган. Ёшлар ва устозлар бир саҳнани тўлдириб турибди. Айниқса, жаҳон опера санъати усталарининг чиқиши байрам аудиториясини жаҳон миқёсида кенгайтиришга ҳам хизмат қилган. Охир-оқибат, тантаналар одамларга қувонч бағишлаш учун ўтказилмайдими? Назаримизда, бу йил ушбу вазифа ҳар қачонгидан-да аъло уддаланган.

ТЎРТ АСОС

Бир пайтлар “Ҳуррият” газетасида “Байроқ – бойроқларда” деган луқма чиққан ва бу истеҳзо 2000 йиллар бошидаги жамиятимиз манзарасига баҳо сифатида жаранглагандай эди. Хўш, бугун байроқ кимда? Янги Тошкентда ўтган тантанали маросим мазмунига қаралса, бугун байроқ – халқчил давлатда экани англашилади. Президент ўша 2016 йили айтганидек, давлат давлатчилигини қилди, мана энди, қатъият билан ўтказилган ислоҳотлар ўн йиллиги натижа беришни бошлади. Ўсдик, равнақ топдик, кучайдик.

Давлатчилик нима ўзи? Президент нутқи миллий давлатчилигимиз ижтимоий тафаккурининг шонли тарихи, ҳозирги босқичи ва эртаси ҳақида муайян тасаввур беради: **“Биз 1991 йилда халқимизнинг хоҳиш-иродаси ва қатъияти билан ўз давлат мустақиллигимизни қўлга киритдик. Аслида, буюк истиқлолимиз илдизлари уч минг йилдан зиёд бўлган давлатчилик анъаналаримиз ва қадимий цивилизациямиз тарихига бориб тақалади.**

...Ватан озодлиги ва миллий истиқлол йўлида жонини фидо қилган Беҳбудий, Мунаввар қори, Фитрат, Қодирий, Чўлпон каби жадид боболаримизнинг ҳуррият ҳақидаги орзу-ниятлари бугун Янги Ўзбекистонда тўлиқ рўёбга чиқмоқда”.

Ушбу эзгу ва юксак ғоя саҳнада қандай ифода топди? Субъектив кузатувда тўрт асос эътиборимни тортди.

Биринчиси, байроқларимиз. Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева ёзган эди:

Юрт байроғин
ҳар жойгамас,
Кўнглингга эк.
Кўксингга ўй!

Яқингача ҳам юрт байроғи деганда, мустақил Ўзбекистоннинг давлат рамзларидан бири тушуниларди, холос. Тарих ҳақида гап кетса, Амир Темур туғи ёдга олинарди. Бироқ энди қарашлар тубдан ўзгарди. Миллий ўзликни англаш даврида юрт байроғи тушунчаси уч минг йиллик давлатчиликка тегишли байроқларни ўзида мужассам этди. Тантанада баланд кўтарилган 16 та байроқнинг ҳар бири шу халқнинг ифтихори, аждодлар мероси ва буюк ворислик далилидир.

Бутун концерт давомида давлат байроғи эътибор марказидан тушмади. Халқимиз ҳам буни ғурур ва ифтихор билан қарши олди. Кўпинча: “Туркия ва Озарбайжонда байроққа муносабат бошқача. Бизда нега ундай эмас?” деган куюнчак саволлар қулоққа чалинарди. Бу масалада: “Мана, бизда ҳам байроққа эҳтиром бор”, деб кампаниябозликни бошлаб юбориш мумкин эди. Лекин миллий ифтихор аста-секин халқнинг қалбига кириб бориши, одамларнинг ўзи ташаббускор бўлиши йўлида оқилона сиёсат юритилди.

Мана, байроқни ҳазрат Кубродай ишонч билан тутадиган халқ шаклланди. Айниқса, “Байроқни ким кўтаради?” деган савол ҳар бир виждонли фуқаро юрагида акс-садо берганига, шахсан, мен ишонаман.

Иккинчиси, Шайбонийхон энди ўгай эмас. Яна бир оғриқли масалага эътибор берилди. Яъни, тармоқларда баҳс мавзуси бўлаётган ҳолатга узил-кесил нуқта қўйилди. Шайбонийлар давлати миллий давлатчилигимизнинг узвий бўлаги сифатида намойиш этилди. Биз Шайбонийларнинг ҳам ворисларимиз. Улар ўгай эмас. Давлатдор ва зотдор аждодларимизнинг ички зиддиятларини ўрта асрлардан бу кунларга судраб олиб ўтмаймиз. Тарихий жараён деб қараймиз.

Учинчиси, Бобурийлар давлатининг ҳам ворислари – биз. Асосий байрамда бобурийлар салтанати ҳам эсланди, туғлар ҳилпиради. Шоҳ Заҳириддин Бобурга расмий доираларда шоир ва олим сифатида ўрин берилган эди. Энди у подишоҳи туркий бўлиб, Янги Тошкентнинг бош расмий тантанасида от сурди: майдон узра бобурий туғни кўраркан, ҳаяжоннинг зўридан: “Айтгум, бу кун, у маним, маним”, деб юбордим.


Тўртинчиси, ўзбекча рақс қайтди. Хоразм “Лазги”си жанговар тўн кийди, тўғрироғи, аслига қайтди. Биз Кавказ халқларининг жўшқин ва шиддатли, эркакча ўйинларига ром бўлиб юрганимизда, балетмейстерлар ўзликка қайтаришни уддалади. Бу кайфият, услуб тренд даражасига чиқишидан умидимиз бор.

Бу сатрлар, албатта, бир томошабиннинг таассуротлари. Агар ушбу байрам ҳақида профессионал тақризлар эълон қилинса, яна қанча тимсол қатлари очилиб, маъно жавоҳирлари юзага чиқади. Вақт кутмайди, биз эса кутамиз, азиз санъатшунослар!

Отабек БАКИРОВ

ЯНГИ КИТОБЛАР

НАҚШСИМОН



Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло ижоди ўзбек замонавий адабиётида алоҳида ўрин тутади. Шоир бир шеърида шундай ёзган:

Кўзгуга ўйилган гўзал нақшсимон
Илк севги қалбингдан асло кўчмайди.
Безак, кўрки бўлиб яшайди ҳар он,
Кўзгу синмагунча у ҳам ўчмайди.

Қалбдан асло кўчмаслик ва ўчмаслик тавсифини хотираларга нақшсимон муҳрлангувчи шеърларга-да, татбиқ этмоқ мумкин.

Шу маънода, Шукруллонинг яқинда нашрдан чиққан “Танланган асарлар”и адабиёт ихлосмандлари учун қизиқарли бўлиши, шубҳасиз. Китобга адибнинг турли йилларда ёзилган шеър ва таржималари билан бир қаторда, “Жавоҳирлар сандиғи” номли адабий ўйларга монанд эссеси ҳамда “Кафансиз кўмилганлар” номли автобиографик эзгин қиссаси ҳам киритилган.

СИРЛИ САДОЛАР

Замонавий адабиётимизнинг илк фантаст ёзувчиларидан бири Ҳожиакбар Шайхов асарлари – “Рене жумбоғи”, “Еттинчи операция”, “Ғаройиб кўланка”, “Олмос жилоси” ё “Ёнар дарё”, “Сеҳрли қиз”, “Туташ оламлар”, “Жодугарнинг эри” ёки “Икки жаҳон ораси” сингари китоблари бўладими, барчасида сирли оламлардан садо янграб тургандай.

“Ҳожиакбар асарларида ҳозирги фантастик адабиётнинг ҳамма зарур белгилари мавжуд, – деб ёзган эди атоқли мунаққид Озод Шарафиддинов, – яъни, улардаги воқеалар Ердагина эмас, бутун Коинотда, қўшни Галактикаларда содир бўлади... Бироқ воқеалар силсиласи қанчалик ғайритабиий кечмасин, қаҳрамонлар қанчалик ғаройиб бўлмасин, улар, охир-оқибатда, қай бир томонлари билан Ердаги одамларнинг бугунги ҳаётига, бугунги ташвишларига боғланиб кетади. Адиб бир-биридан қизиқ, мароқли саргузаштлар тўқиб, китобхон хаёлини банд қилишни эмас, балки инсоннинг мангу муаммоларини ўртага ташлаб, инсон виждонига мурожаат қилиб, уни ғафлат уйқусидан уйғотиш ва баркамолроқ қилишни ўйлайди”. Бу фикрларнинг исботини адибнинг яқинда чоп этилган “Танланган асарлар”ига киритилган машҳур романлари, фантастик ҳикоя ва қиссалари мисолида яққол кўриш мумкин.



Бу икки салмоқли китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида нашр этилган.

Нигина ИСКАНДАРОВА

РАҚАМЛАР ТИЛИ

ҚИЁСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

Доимий аҳоли сони (1 январь ҳолатига)
1991 йил – 20,6 млн киши
2026 йил – 38,2 млн киши

Ялпи ички маҳсулот ҳажми
1994 йил – 6,4 млрд АҚШ доллари
2025 йил – 147,1 млрд АҚШ доллари

Ташқи савдо айланмаси
1991 йил – 3,3 млрд АҚШ доллари
2025 йил – 82,8 млрд АҚШ доллари

Экспорт ҳажми
1991 йил – 1,8 млрд АҚШ доллари
2025 йил – 34,2 млрд АҚШ доллари

Инвестициялар ҳажми
1991 йил – 1,1 млрд АҚШ доллари
2025 йил – 48,5 млрд АҚШ доллари

Қурилиш ишлари ҳажми
1995 йил – 611 млн АҚШ доллари
2025 йил – 25 млрд АҚШ доллари

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми
1991 йил – 3 млрд АҚШ доллари
2025 йил – 87,5 млрд АҚШ доллари

Олий таълим ташкилотлари сони
1991/1992 ўқув йили – 52 та
2025/2026 ўқув йили – 215 та

Умумий ўрта таълим ташкилотлари сони
1991/1992 ўқув йили – 8 557 та
2025/2026 ўқув йили – 11 118 та

Шифохоналар сони
1991 йил – 1 388 та
2024 йил – 1 972 та

Аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги
1991 йил – 66,4 ёш
2025 йил – 75,4 ёш

Туристлар ташрифи
2012 йил – 1,9 млн нафар
2025 йил – 11,7 млн нафар

Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони (1 январь)
2010 йил – 201 мингта
2026 йил – 474,9 мингта

МИЛЛИЙ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ

Jadid
adabiy, ilmiy-ma’rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

Бош муҳаррир:
Иқбол МИРЗО

Муаллиф фикри таҳририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Адади – 18 426
Шундан:
Кирилл ёзувида – 6 856
Лотин ёзувида – 11 570
Медиа кузатувчилар – 91 497
Буюртма: Г – 939
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6

Масъул котиб: Шуҳрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Отабек Бакиров

Саҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева



Манзилимиз:
Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00
Босишга топширилди: 20:30

Сотувда нархи эркин.

www.jadid.uz

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ

“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ” ЖАМОАТ ФОНДИ